Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 5 март, №10 (3497) •

ЁРУҒ ОЛАМНИНГ ГУЛИ

Гул ўзининг гул эканлигини ҳеч кимга таъна қилмайди. У наботот оламининг минглаб турларидан бири сифатида ёруғ оламга юз очиб келар экан, ўз гўзаллигини таъкидламайди. Чунки унда гўзалликдан бошқа нарсанинг ўзи йўқ. У ўз чиройини кўз-кўз этиш учун очилмайди. Зеро чирой — унинг моҳиятидир.

Аёл ҳам инсоният тақдирига битган гулдир. Башар шажарасида гўзаллик аёлнинг ирсий белгисидир. Қуртақда барг ёзиш қуввати, палопонда парвоз қуввати пинҳон бўлганидек, аёлда гўзаллик қуввати пинҳондир. Биз ёнгинамизда турган гулни кўрмасак-да, майингина таралаётган ифорлардан унинг жозибасини ҳис қилганимиз каби, муҳитда аёл борлиги ҳақидаги сезгининг ўзиёқ юрагимизни латофат, назокат, меҳр, муҳаббат, шафқат каби ёғдулар билан ёритиб юборади.

Аёлларнинг эркакларга муносабати жамиятнинг аёлларга қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Агар жамият аёлнинг қадрига етса, у ҳолда аёл аввало ўз қадрини англаб етади ва шундан сўнг ўзини қадрлаганни қадрлай бошлайди. «Маданиятнинг қай даражадалиги аёлга нисбатан муносабат билан ўлчанади», — дейди донолардан бири. Аёлга муносабат унинг шаънига мос келмаса, у исён кўтармайди, ҳақ-ҳуқуқини эълон этувчи низомлар билан чиқмайди. Ўткир шўъалалар найзасидан ўз ридосига ўранган номозшомгул каби ушбу таъсиротларга аёл ҳам ўз зоҳирий ва ботиний ўзгаришлари билан жавоб қайтаради. Агар меҳнат аёл учун машаққатга айланса, аёл бунга гўзал ҳусни, гўзал қоматини йўқотиш билан жавоб қайтаради. Агар турмуш заҳматлари мутлақо аёл зиммасига ўтса, у илҳом парисидан арава тортадиган отга айланади. Агар таҳқир, ҳақорат остида қолса, аёл барча яхшиликларни юрагининг бир қаърига кўмади-да, омонат хазонга айланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир инсоний жамият, ҳар бир илоҳий дин аёлга бефарқ қарамаган. Тўғри, жамиятнинг аёлга муносабати ҳақида гап кетганда ҳар бир оиланинг ўзига хослиги, яъни оилавий тарбияни ҳам унутмаслик керак. Бироқ умумий ижтимоий психология, миллий психология ҳам мавжуд-ку, ахир. Мен миллий руҳият деганда аввало Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини кўз олдимга келтираман. Адиб бу асарида ҳар қандай макру ҳийлалар, иллатлардан қатъи назар, аёллар оламини жуда катта меҳр билан тасвирлайди. Бинобарин, Ҳомид ва унинг ҳамтовоқлари амалга оширишмоқчи бўлган қабоҳатни эшитган Офтоб ойим уларни «уйинг куйгур»дан олиб «тўнгиз қўпгур»га солмайди, «Уятсиз Ҳомид» дейиш билан чекланади. Демак, Офтоб ойим бисотидаги энг ҳақоратли сўз ана шу — «уятсиз». Онанинг бу маънавий гўзаллиги Кумушнинг айтилмаган фазилатларига ишорадир, унинг ҳусни ҳусн, чиройига чирой қўшиб туради.

Илоҳий динларнинг, хусусан, исломнинг аёлларга бўлган муносабати ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин. Биз илоҳий билимлардан узоқ вақт бехабар қолганлигимиз учун ёки уларни қоралаш ғарази ила диннинг аёлларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиши ҳақида ломмим демадик. «Аёлларни урманглар!» дея содда ва қатъий фармойиш берилади ҳадислардан бирида. Бу ҳадис замирида эркакка таҳдид эмас, балки аёлни ҳимоя қилиш ғояси ётибди. Бу ҳадис мазмунида жанжаллашаётган фарзандларига отанинг пўписаси эмас, балки Расули акрам тили билан заиф томонни ҳимоя қилаётган падар меҳри бор.

Дарвоқе, исломда эркакни аёллардан баъзи бир жиҳатларда устун қўйиш ҳоллари учрайди ва бу табиий, албатта. Эркакларнинг жисмоний имкониятлари, оиладаги нуфузи ана шуни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам ҳадисда: «Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир» — дейилади. Бироқ буни, менимча, аёлларга мутлақ муносабат деб англамаслик керак. Худди шу ҳадиснинг давомида: «Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи — бу унинг онасидир», — дейиладики, бу билан эркакнинг юқоридаги нуфузи масъулият, бурч, она олдидаги фарзандлик қарзига айланади. Онанинг муҳтарам ва улуғворлиги ҳақида яна кўплаб ҳадислар борким, муддаоймиз уларни батафсил баён қилмоқ эмас.

Зотан, дин кўнгил кўзгусида акс этадиган илоҳий шуъладирки, биз кўпинча бу шуъланинг моҳиятига, мақсадига эътибор бермай, фақат зоҳирий белгилари ҳақида муккадан кетиб баҳслашамиз, қандай кийиниб, қандай ўрганиш, қанақа соқол қўйиб, қандай соч олдириш кабиларни катта диний муаммо даражасига кўтарамиз. Айниқса, аёлларга қолганда бу мезонларни қаттиқроқ ушламоқчи бўламиз. Ҳолбуки, тамаддун босқичларида ҳар бир инсон ўз диди ва миллий талаблардан келиб чиқиб шаклу шамойили ва либосини ўзи танлайди. Ва буни тақвога, иймонга боғлаш тузук эмас. Такрор айтамизки, дин кўнгил тарбиясига қаратилган, юксак ахлоққа, илму маърифатга даъват этадиган зиёдир.

Бизнинг ўзбек аёллари орасидан не-не ажойиб шоиралар, санъаткорлар, олимлар чиқиб келган ва бундан кейин ҳам чиқаверади. Чиқанда ҳам энди кўпроқ чиқади деган умиддамиз. Чунки мамлакатимиз ўз эшикларини дунёга кенг очиб қўйди. Аёлларимизнинг халқаро ташкилотлар билан алоқалар олиб борадиган, ҳамкорликда ишлаётган ташкилотлари купайиб бормоқда. Йигитларимиз қатори зукко қизларимиз учун ҳам хорижий тилларни ўрганиш, шу орқали жаҳон фани, маданияти билан бевосита танишиш, уларнинг энг яхши ютуқлари билан Ватанимиз фани ва маданиятини бойитиш, айни пайтда ўзбек маънавий қадриятларини жаҳонга намойиш этиш имконияти пайдо бўлди. Аёллар шиорларда эмас, амалда ижтимоий ҳимояга олинди. Ва ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми ўлароқ бу йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилинди. Мислсиз қирғин-қатағонларнинг ҳам, ҳайротомуз кашфиётларнинг ҳам гувоҳи бўлган асримиз Ўзбекистонда Аёл номи билан якун топиб бормоқда. Янги асрнинггина эмас, янги эра, янги давр — янги мингйилликнинг остонасида турибмиз. Ботиб бораётган қуёшга қараб эртанги кунни ва об-ҳавосини айтса бўлади. Ботиб бораётган XX асрни мамлакатимизда Аёл деган эзгу ном билан шарафлаб кузатаётган эканмиз, бунда янги асримиз шафқат асри, латофат асри, меҳру муҳаббат асри бўлиб келади деган умид бор. Чунки аёл руҳи келажакнинг руҳини, кайфиятини белгилаб беради. Нодира қариб икки юз йиллар аввал айтиб кетганидек:

Мақсад на эди, жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет.

Жаҳоннинг кайфиятини, замоннинг руҳиятини айтмоқ бўлган мақсадинг эзгу, эзгулигинг ҳамиша муборак бўлсин, завол кўрма ҳеч қачон, Аёл!

Усмон КЎЧҚОР

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз, опа-сингиллар!

С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.

«ҲУР ЎЛКАМ»

Доимий ҳамроҳ

Яқинда Истанбулда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Ориповнинг «Ҳур ўлкам» номли шеърлар китоби нашрдан чиқди. Тўплам ўзбек-турк лицейлари Бош мудири Маҳмут Балнинг кириш сўзи билан очилади. «А. Ориповни турк халқига таништирувчи бу асарни ҳозирлар эканмиз, тарихий вазифани адо этганимизга ишонамиз ҳамда бу ишда ўз меҳнатини аямаганларга миннатдорчилик билдирамиз», дейилади «Ота юртнинг буюк шоири» сарлавҳали ушбу сўзбошида. Туркия Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаси фахрий раиси Фатҳулла Гуленнинг китобдан жой олган «Абдулла Орипов ва унинг асарлари ҳақида сўз» мақоласида шоиримизнинг шеърияти кенг ва теран таҳлил этилган. «Абдулла Орипов Ўзбекистоннинг аччиқ, дағал ва совуқ бир қиш каби қорли, музли, бўрон, тўфон ўтган қоронғулик кунларида, ўзининг ифодалари билан айтганда, «тарихнинг ҳукми Ўзбекистонни қоронғуликларга отиб, қорли ва музли тоғларни унга макон этган» кунларда, ватанни барибир севган ва «баҳор» соғинчи орзусида баҳорга тенглаштирган озодлик кунларини кутган. Шунинг учун Абдулла Ориповни Ватан шоири деганимиз каби, озодлик ва мустақиллик шоири ҳам дея оламиз», деб ёзади Ф. Гулен.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Шоир ҳақида сўз», адабиётшунос олим, профессор Бегали Қосимовнинг «Жамиятни уйғотган шоир» сарлавҳали мақолалари ҳам «Ҳур ўлкам» китоби аввалидан жой олганки, бу мақолалар Абдулла Орипов ижодибилан турк ўқувчиларини янада яқинроқ ва ҳар томонлама таништиришга ёрдам беради. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, ушбу мақолалар шоир ижоди ҳақида республикамизда эълон қилинган энг эътиборли чиқишлардандир. Шунингдек, китобдаги «Юксак фикр жасоратдан туғилади» сарлавҳали суҳбатда шеър табиати, ижоднинг шахси ва поэзиянинг сеҳрли, жозибали жиҳатлари очиб берилган.

Саволларга жавоб бераркан Абдулла Орипов бадиий ижод моҳияти ҳақида фикр юритиб: «Инсон нафаси, қалби, руҳияти уфуриб турган баркамол асарларгина яшашга ҳақли деб биламан», дейди.

«Ҳур ўлкам» китобига жамланган шеърлар Абдулла Орипов қаламига мансуб «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси» ва «Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг шарҳи» билан бошланади. «Халқ шоири Абдулла Орипов ижодидан намуналар»га ижодкорнинг турли йилларда яратган бир қанча машҳур асарлари киритилган. Ушбу нашрнинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, китобдаги барча матнлар: мақолалар, суҳбат ва шеърий асарлар икки тилда — лотин алифбосида ўзбек тилида ҳамда турк тилида ёнма-ён берилган. Ўзига хос ажойиб армуғон бўлган «Ҳур ўлкам» тўплами ўзаро қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, XX аср ўзбек шеъриятининг юксак намуналари билан турк китобхонларини муфассал таништириш йўлидаги жиддий қадамдир.

Китобни тайёрлашда бир гуруҳ турк ва ўзбек мутахассислари иштирок этишган.

АЁЛ — ОЛАМ ЧИРОҒИ

Юртимиз бўйлаб Аёллар йилининг файзу шукуҳи кезиб юрган бир пайтда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика маркази Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги, шаҳар болалар Хайрия жамғармаси ва «1-Қатортол» маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда «Аёл — олам чироғи» мавзуида адабий-мусиқали хайрия кечасини ўтказди. Кечада таниқли шоирлар, санъаткорлар, олимлар, шунингдек, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган аёллар, ибратли қайнона-келинлар ҳамда «Замондош» маданият уйининг «Фарангиз» бадиий жамоаси қатнашди. Кечани таниқли санъаткор Эркин Комилов олиб борди.

Нигина ИСМАТОВА

ФЕРУЗА ВА НОДИРАГА ИТАЛЬЯНЛАР ОЛҚИШИ

ўқувчиси Феруза Муҳамедова ва олтинчи синф ўқувчиси Нодира Қориева Италиянинг Агропол шаҳрида ўтган XXI халқаро пианиночилар конкурсида иштирок этиб, муваффақиятли қатнашдилар. Бу ҳақда уларнинг устози, шу мактабда ўн олти йилдан буён болаларга мусиқа сирларини ўргатиб келаётган Ирена Ваҳобова қуйидагиларни гапириб берди.

— Очиғи, ўқувчиларимнинг бу ютуқлари менга катта фахр ва ғурур бахш этди. У ерда биз бир ҳафта давомида саккиз мамлакатдан мусиқачилар иштирок этган йирик конкурсда қатнашдик. Танлов шартига кўра биринчи турда Бах асарлари, иккинчи турда эса ихтиёрий мусиқа ижро этилди. Феруза тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, Нодира конкурс дипломанти нонуфузли танловда қатнашиб, Ўзбекистон шарафини сидқидилдан ҳимоя қилганлари бўлди. Бу каби танловлар Республикамизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишига нақадар катта аҳамият берилаётганидан яна бир далолатдир.

Мухтасар КАРИМОВА

«Орзуйим яхши қайнонани ўйнаш...»

5-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида

Уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган кўплаб илтимосномаларни, халқимизнинг, жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида:

1. 9 Май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиз марказида Хотира майдони ташкил этиш, ушбу майдон қурилишини 1999 йилнинг 20 апрелигача тугаллаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг ор-номус, виждон иши ва маънавий бурчи деб белгилансин. Фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши унутилмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоят ҳокимликлари Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида шундай Хотира майдонларини бунёд этиш режасини ишлаб чиқсинлар ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Хотира ва Қадрлаш куни билан боғлиқ тадбирлар юксак аҳлоқий-маънавий савияда ўтказилсин, фахрийларга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур масала юзасидан ўн кун муддат ичида Қарор тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 март

«ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ». «ХАЛҚ СЎЗИ». 1999 ЙИЛ, 27 ФЕВРАЛ.

ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Қалбимизга изтироб соя солган кунларда дил изҳоримни ёзмасликка виждоним йўл қўймади. 16 февралда пойтахтимиз марказида содир этилган мудҳиш жиноятлар оқибатида бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани бутун ўзбек халқининг қалбини яралади. Бундай ақл бовар қилмайдиган хунрезлик халқимиз ардоқлаган Президент ҳаётига суиқасд мақсадида содир этилганлиги, ҳамманинг ғазабига ғазаб қўшмоқда.

Ҳа, 15 феврал қалбимизда чуқур из қолдирди. Шу кунда юз берган террор оқибатида ҳаётдан кўз юмган кишиларимиз, марҳумлар руҳига дуои фотиҳа ўқиб, уларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз. Ёшлари тўқсондан ошган, ўн икки фарзанд ўстирган онамиз Қумрия момо ҳам бу мудҳиш воқеалардан ғоятда таъсирланиб кўзларига ёш олиб, муҳтарам юртбошимизнинг бошлари омон бўлишини, юртимизда, бутун дунёда тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик барқарор бўлишини, ҳалоллик, поклик, инсофу диёнат ҳукм суришни Аллоҳдан тилаб, доимо дуода бўлиб турибдилар.

Ҳар қандай беъмани хулқ-атворнинг, лоқайдликнинг, дилозорликнинг олди олинмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги бўлиб ўтган воқеалардан бизларга аён бўлди. Огоҳликни, хушёрликни асло ёддан чиқармаслигимиз керак.

Ал-қасосу мин ал ҳақ, дейилганидек, панду насиҳатлар кор қилмай, одамлар ҳаётига тажовуз қилган, бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлганлар ҳам, албатта, ўз жазосини олади. Бунга иймонимиз комил, тўғри йўлдан тойилиб, инсофга кириб, адашган кимсалар ҳам Аллоҳ йўлига қайтишлари керак. Халқимиз ниҳоятда меҳрибон, раҳмдил. Бироқ раҳмдиллиликнинг ҳам чегараси бор. Буни соғлом фикрли фарзанд билиши керак. Ахир қўшиқларда «Одам бўл», «эл бўл», «халқ бўл» дея бежиз куйланмайди. Инсон табиатнинг энг буюк инъоми. Чунки унга фикрлаш учун ақл берилган. Ақл инсонни ўз оёғига ўзи болта уришдан сақлаши керак. Қонунларимиз, жиноий кодекслардаги кўрсатмалар инсонни огоҳлантирувчи вазифаларни ҳам ўташи керак. Пок ва ҳалол яшаш, огоҳ бўлиш инсон ҳаётининг зийнатидир.

Бутун дунёда тинчлик, дўстликни ардоқлаб келаётган халқимизнинг мустақиллик йўлидаги қадамлари янада дадил бўлиши учун, ҳаётимиз фаровон, турмушимиз осойишта бўлиши учун, энг аввало, ҳаммамиз хушёрликни бир дақиқа ҳам қўлдан бой бермаслигимиз зарур.

Ҳасан РАЖАБИЙ,
Ўзбекистон халқ ҳофизи

ҚУШИҚ—ҚУДРАТЛИ ВОСИТА

Феврал воқеалари мамлакатимиз аҳли қаторида мени ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Шу муқаддас юртнинг бир қуйчиси, бир санъаткор сифатида ҳаётимда ҳали ҳеч қачон бўлмаган даражада изтиробга тушдим. Негаки, мен ҳам кўплар қатори оламни, одамни, бу кўҳна заминда тириклик тақдирини фақат яхшилик, фақат гўзаллик қутқаришига ишонаман. Юртимиз манфаатларини, унинг муқаддас тупроғини, сувини, одамларини, бугуни ва келажагини фақат яхшилик, фақат эзгулик асраб қолишига ишончим комил. Дунё дунё бўлиб ҳали ҳеч ким ҳеч қаерда ёвузлик билан, қон тўкиш йўли билан ўз мақсадига эришган эмас. Эриша олмайди ҳам. Муқаддас китобларда бегуноҳ бир банданинг қонини тўкиш — оламнинг қонини тўкиш билан баробарлиги айтилган. Буни унутган, қабоҳатга ботган кимсаларни Ватан, миллат хоинлари дейиш ҳам оз. «Феврал воқеалари» мақоласида бу ҳақда жуда тўғри айтилган.

Феврал воқеалари — бу миллатга, мустақилликка, жаҳоний кенгликларга баравж чиқаётган она-Ватанимизга, унинг бахту иқболига қилинган суиқасддир.

Юртбошимизнинг ўша таҳликали дамларда ўзини йўқотмаганлиги, вазмин-босиқлиги, портлашлардан кўтарилган чангтўзон тиниб-тинмаёқ майдонга кириб келиши, телевидение орқали халққа мурожаат қилиши, ҳеч муболағасиз, жасурлик, мардлик аломатидир. Ўзига, халқига, олиб бораётган сиёсатига, тутган йўлига ишонган раҳбаргина шундай қила олади.

Феврал воқеалари бизнинг мудроқ кўзларимизни очди, лоқайдлик балоси нақадар хавфли эканлигини кўрсатди. Эндиги вазифа биз чиқарадиган хулосаларда, огоҳлигимизда, амалий ишларимизда, ҳар биримизнинг шахсий ибратимиздадир.

Биз қандоқ хулосалар чиқаришимиз керак? Бизнинг огоҳлигимиз қай йўсинда намоён бўлади? Сўзим бошида айтганимдек, дунёни гўзаллик ва нафосат қутқаради. Нафосат ва гўзаллик дегани — бу энг аввало санъатдир, Ватанни, миллатни, эзгуликларни мадҳ этувчи даъваткор қўшиқдир. Чинакам баркамол қўшиқлар инсонни тарбиялайди, уни комиллик сари етаклайди, нопок ниятлардан қайтаради, оқу қорани ажратиб олишга ёрдам беради. Яхши қўшиқ инсонга ўзликни англашда, тарихни тушунишда, бугунни, эртани идрок этишда кўмакчи бўлади. Чинакам қўшиқ, чинакам дилдан чиққан қўшиқ маънавий тарбиянинг қудратли қуролига айланади.

Шерали ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти

КЎП НАРСА ОЙДИНЛАШДИ

Дунё шунақаки, ҳеч бир нарса то абад сир-синоат бўлиб қолмайди. Вақт ҳамма нарсани ўз номи билан атайди, жумбоқлар ечилади. Тарихнинг ҳукми шундай.

«Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Феврал воқеалари» сарлавҳали мақолани ўқигач, мен учун, жамоамиз учун кўп нарса янада ойдинлашди. Албатта, аввал бошданоқ бундай қўпорувчилик ишлари, мустақиллик тақдирига қилинган ёвузлик кимларнинг иши эканлигини билардик, аммо мазкур мақолани ўқигач, фикримиз янада тиниқлашди. Истиқлол душманларига, кўролмаслик касаллига гирифтор бўлган ношуд ғанимларга нисбатан нафратимиз янада ошди.

Бутун жамоамиз билан юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар йўлини, мустақиллик тамойилларини қўллаб-қувватлаймиз, сафларимизни янада жипслаштириб, халқимиз фаровонлиги, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида саъй-ҳаракатларимизни аямаймиз.

Р. ТОЖИЕВ,
Фарғона Политехника институти ректори, профессор

Муҳокама учун мавзу

МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ҚАДРИ

Бугун биз халқимиз маънавиятини юксалтириш, ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириш ҳар қачонгидан кўра катта эҳтиёжга айланган бир даврда яшамоқдамиз. Мустақиллигимиз тақозо этаётган бу вазифалар, шубҳасиз, адабиёт ва санъат, матбуот, мафкура ва маданият соҳалари соҳибларининг фидойи меҳнати билан рўёбга чиқарилади. Шунинг учун эндиликда ижодкор меҳнатининг қадри ҳам, зиммасидаги масъулият ҳам ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган **«Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарори ҳам шундан далолатдир. Қарорда журналист кадрлар тайёрлаш савиясини яхшилаш юзасидан жуда кўп тадбирлар белгиланган. Масалан, журналистика факультетларига талабаликка ёшларни бундан буён ижодий имтиҳонлар орқали қабул қилиш кўзда тутилгани айни мақсадга мувофиқ иш бўлди. Журналист талабаларни ўқитиш ва амалий сабоқларни такомиллаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам юксак савияли, истеъдодли журналистлар тайёрлашга кенг йўл очади, деган умиддамиз.

Бугун матбуотнинг ўткир сўзига, адолатли танқид ва пухта таҳлилларга асосланган мақолаларга эҳтиёж кучли. Чунки Юртбошимиз жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга, мустақиллигимиз моҳиятини теран идрок этишга даъват этаётир. Президентимизнинг кўплаб асарлари, мақолалари, адабиётимизнинг машҳур намояндалари, ижодкорларимиз томонидан яратилган адабий асарлар, мақолалар, ёшларни турли зарарли қарашлардан огоҳ этувчи, улар онгини заҳарлашга уринаётган ёт мафкуралар алдовидан сақлашга қаратилган публицистик чиқишлар бугун мамлакат фуқароларининг барча қатламлари учун сув ва ҳаводек зарурдир. Шунинг учун ҳам биз ижодий меҳнат соҳибларини тайёрлаш савиясини кўтариш билан бирга улар томонидан яратилган ижодий меҳнат маҳсуллари барча фуқаролар онгига етиб бориши тўғрисида ҳам қайғуришимиз керак.

Бугун рўй-рост айтиш керакки, айнан шу масалада ҳал этиш мумкин бўлган муаммолар бор. Биринчиси китоб, газета ва журналлар баҳосининг Тошкентда ва вилоят марказларида турли баҳоларда сотилиши, аксарият ҳолларда вилоятлар маркази ва туманларда йўл харажатлари ва ўртадаги турли воситачилар қўядиган устамалар оқибатида уларнинг Тошкентдагига нисбатан қиммат нархда сотилишидир. Масалан, Тошкентдаги газета дўконларида 15 сўмдан сотилаётган газета Бухорода 20 сўм, Урганчда эса 25 сўмдан сотилмоқда. Журнал ва китоблар баҳоси ҳам худди шундай. Оқибатда вилоятларда матбуот нашрларининг ўқувчилари йил сайин камайиб бормоқда: обуначилар ҳам, дўконлардан харид қилиб ўқувчилар ҳам. Бозор иқтисоди қонуниятларига кўра бундан ажабланмаса бўлади. Бироқ халқимиз маънавияти юксалишига, ёшлар онгининг тўғри шакланишига хизмат қилувчи ижтимоий-сиёсий йўналишдаги маънавий неъматларнинг олис масофаларга нархи ошган ҳолда етказилиши айнан бугун ўзини оқламаяпти. Бугун ҳеч бўлмаганда маънавий неъматларнинг баҳоси Тошкентда ҳам, вилоятларда ҳам бир хил даражада бўлишини таъминлаш йўлларини ахтаришимиз керак.

Хўш, маънавий неъматларнинг йўл харажатини ким ўз зиммасига олади, деган савол келиб чиқади. Бизнингча, китоб, газета ва журналларни вилоятларга ташувчи ёки етказиб берувчи турли хизматлар даромадларига солинадиган солиқлар фоизларини тартибга солиш орқали бу масалани ҳал этиш мумкин, деб ўйлайман. Темир йўл ёки ҳаво транспорти маънавий неъматларни ташиб бергани учун оладиган хизмат ҳақига мутаносиб равишда улар тўлайдиган солиқ фоизлари миқдорини нисбатан камайтириш ёки шунга тенг келадиган бирор ташкилий тадбир ўтказиш мумкиндир. Агар шундай қилинса, таҳририятлар, нашриётлар чиқарадиган маънавий неъматларга эҳтиёж ошиши ҳисобига уларнинг моддий аҳволи ҳам янада яхшиланиши мумкин.

Битта мисол келтираман. Мустақиллик йилларида нашр этила бошлаган «Тафаккур» журналини биёлиларимиз ниҳоятда хуш кўриб ўқишади. Журнал таҳририятининг сайъ-ҳаракати, интилишлари туфайли унда нашр этилаётган мақола ва суҳбатларнинг савияси юқорилиги ўқувчиларни мамнун этаётир. Қани ҳар бир ўзбек хонадонида унинг ўз ўқувчиси бўлса, деб ўйлайсиз. Эҳтимол, ҳар бир хонадонда ойнаи жаҳон кўрсатувларининг дастури босилган бирор нашр бордир. Аммо, айнан миллий мафкура ва миллий тафаккурни шакллантирадиган бу журнал барча хонадонларга биз кутган даражада етиб бормайди. Бу фикрни мен мисол учун, яъни китоб, газета ва журналларнинг аввало энг чекка қишлоқлардаги барча кутубхоналарга, мактабларга, уларнинг чин мухлислари қўлига ўз вақтида етиб боришини таъминлайлик, имтиёзли обуналарни ташкил этиш йўлларини ахтарайлик деган ниятда айтаяпман. Эътибор беринг: бир пайтлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси етти юз минг нусхага қадар чоп этилган эди. Бугун эса унинг адади юз баробар камайиб кетди. Газета ҳали ҳам илгаридагидек севиб ўқилади. Аммо почта хизматининг қониқарсизлиги, улар обунани қимматлаштирадиган даражада кўп ҳақ олишларига қарамай, ёнилғидан, транспорт харажатларидан тежаши туфайли газеталар ўз вақтида обуначига етказиб берилмайди. Обуна ҳақи эса бугунги шароитга қараб йил сайин қимматлаб бораётир. Шундай бўлгач, ким ҳам уйига ўз вақтида етказиб берилиши кафолатланмаган нашрларга пул тўлаб обуна бўлади?

Почта хизматининг қониқарсиз ташкил этилиши жуда кўп нашрларнинг халққа етиб боришига мана шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, нашрларнинг чакана савдо йўли билан вилоят ва туманларига етиб боришида ҳам шундай муаммоларни кўрамиз.

Пойтахт ва вилоят марказларидаги матбуот тарқатиш ташкилотлари ҳуқуқий жиҳатдан мустақил мақомга эгалиги учун улар ишида айрим номутаносибликлар бор. Бу ҳам матбуот нашрларининг вилоятларга нисбатан арзон нархларда етказиб берилиши ва сотилишини йўлга қўйишга монелик қилмоқда. Демак, бу жараёндаги барча хизматларнинг бир-бирига мувофиқ ишлашини назарда тутган ҳолда улар фаолиятини такомиллаштириш ҳам заруратдир.

Вилоятлардаги матбуот тарқатувчи чакана савдо идораларининг Тошкентдаги матбуот тарқатиш идорасидан қарздорлиги сабабли сўнгги вақтларда вилоят ва туманларга республика газета ва журналларининг бориши кескин камайиб кетди. Хўш, бундай қарздорлик қандай шароитларда келиб чиқди? Бунинг сабабларини ҳам таҳлил этиш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман. Агар бу идораларнинг мутасаддилари билан шу хусусда мулоқот қилсангиз, улар дарров сизга нашрларимиз қизиқарли эмас, деган бир қолипга кирган жавобларни қилишади. Ҳа, ўзларининг ишидаги муаммоларни, хизмат ҳақлари фоизи юқорилигини эмас, айнан нашрларнинг қизиқарли эмаслигини пеш қилишади. Пештоқига «Рўзномалар» деб ёзиб қўйилган дўконлар эса номига газет сотади. Бундай дўконлар сони, масалан, Тошкентда, шаҳар марказида кескин камайиб кетди. Кўплари турли лаш-лушларни пуллайдиган атторлик дўконига айлантириб қўйилган. Туманларнинг марказларидаги, Тошкентнинг нисбатан чекка жойларидаги рўзномалар сотиш дўконларининг аксариятида матбуот нашрлари номига қўйилган, холос. Шаҳар марказида эса турли рўзномалар тахлаб ташланганидан қандай нашрлар бор-йўқлигини билолмайсиз. Аксарият дўконлар бошқа жумҳуриятлардан турли йўллар билан келадиган, миллий турмуш тарзимизга ёт маданиятни тарғиб қилувчи нашрлар билан тўлиб-тошган. Оқибатда мамлакат халқи учун мўлжалланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз тақозо этаётган, халқнинг онгини, маънавиятини, мустақиллик мафкурасини шакллантириши керак бўлган маънавий неъматлар ўз эгаларига қийинчилик билан бориб етмоқда. Дўконларга чиқарилган айрим матбуот нашрлари эса ҳатто тахламлари очилмасдан қолиб кетмоқда. Ана шу тахи очилмасдан, қўйгани жой етмасдан сотилмай қолган нашрларни ташиш учун кетган харажатлар учун ҳақни эса таҳририятлар тўлайди. Бозор иқтисоди қонунларига кўра рўзнома ва ойномаларни сотиш ва чоп этиш иши билан шуғулланувчи ташкилотлар кўп бўлиши, улар бир-бири билан ўзаро рақобат асосида ишлаши лозим эди. Афсуски, ҳозирча бу иш шўро давридагидек бир ташкилотга боғлиқ бўлиб турибди. Шундай бўлгач, таҳририятлар обуна нархини, сотув баҳосини белгилашда орадаги бирдан-бир воситачи ташкилотнинг барча талабларини қабул қилишга мажбур. Қабул қилмаса, унинг нашрини халққа етказиб берадиган бошқа ташкилотнинг ўзи йўқ. Бугун биз матбуот нашрлари халқимизнинг барча қатламларига етиб боришини таъминлаш учун нашрларни тарқатувчи воситачи ташкилотларни ҳам кўпайтириш йўлларини излашимиз керак.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ЗОЙИР АКАНИНГ ГУЛХАНЛАРИ

Эътироф

Сурхон воҳасининг бетакрор адибларидан бири марҳум Менгзиё Сафаровнинг шундай сўзлари бор: «Ер уйғонмай қалб уйғонмас. Жамики жонли ва жонсиз нарсалар табиат мулки, чунончи, инсон ҳам унинг фарзанди. Табиат борлиғимиз, биз унинг борлиғи. Баҳор ўтиши билан таровати, файзи ҳам сўнади. Аммо улар бахш этган эҳтирос ва туйғулар, манзаралар қалбимизда ildиз отиб қолаверади. Ранг ва бўёқлар фасли баҳор энг кўримсиз, афтода чекка ерлар, кўҳна харобаларни ҳам яшил ва турфа ранг либосга буркайди, кекса қалбларга шуур бағишлайди. ...Оталаримиз қурган бинолар том бўғотларида, мангу оқизиқ дарё соҳилларида, кўҳна хилхоналарда хилма-хил гул бўлиб бизга боқади».

Менгзиё ака меҳру соғинч билан тасвирлаган, бир орзиқиш ила ифодалаган бу макон, ўзи туғилиб ўсган, қувончига-ҳам, изтиробларига ҳам шерик бўлган бу кишвар — Сурхон воҳасидирким, раҳматли адибнинг суюкли, садоқатли шогирдларидан бири Зойир ака, Зойир Мамажонов ҳам шу элнинг, шу уйғоқ тупроқнинг фарзанди. Аҳли қаламнинг чеккада яшайдиганлар (ҳаётдан, замондан чеккада эмас, пойтахтдан, адабий муҳитдан узоқда истиқомат қилаётган) сарасига кирувчи Зойир акани ижодий ҳаёти, ижтимоий фаолияти эса қизғинликда, тиғизликда пойтахтда яшайдиган унча-мунча ёзувчиникидан кам эмас.

Зойир ака — воҳада энг кўп ўқиладиган, нашр адади ҳам жумҳуриятдаги туман газеталари ичида энг кўп саналмиш, «тўртинчи ҳокимият» деган тушунчани ҳақли равишда амалда исботлаб келаётган Денов тумани «Чағониён» газетининг бош муҳаррири. Ёзувчи Зойир Мамажоновни газетчи Зойир Мамажоновдан алоҳида, айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Ёзувчи десак газета ҳафа бўлади, газетчи десак агар ёзувчилиги ўксиниб қолиши мумкин. Хеминғуэйнинг «Оддий хабар ёзиш заҳматидан бехабар, газетчилик мактабини ўтамаган ёзувчидан яхши адиб чиқмоғи даргумон» деган машҳур гаплари нечоғлик ҳақиқат эканлигини Зойир ака мисолида кўрса бўлади.

«Чағониён»нинг истаган сонини олиб кўздан кечиринг, унинг бамаънилиги, дид-фаросат билан тайёрланганини кўриб — муҳаррирни танийсизми йўқми, қатъи назар, буни адабиётдан, маънавиятдан хабари бор, хатсаводи етук ёзувчи одам чиқараяпти деб ўйлайсиз. Газета — чин маънода туман маънавий-маданий муҳити, ижтимоий-маиший ҳаётининг кўзгусига айланган. Бир оддий мисол. Ўтган йил кузда газетада чиққан кичкина бир хабар туманда роса шов-шувга сабаб бўлди. Хабарнинг сарлавҳаси — «Тошпўлатовнинг қопағон итидан сақланинг». Хабар биринчи бетда, қалин ҳарфлар билан бўрттириб берилган. Бойлаб қўйилмагани учун бировнинг боласини қопган ит ҳақида ахборот берилса-да, муҳаррир итнинг эгасини сарлавҳага чиқариб, нишоннинг қоқ киндигига урган эди. Хабарнинг таъсир кучи икки кунда билинди: шаҳар кўчаларида дайди, бойлоқсиз итлар бирдан камайди. Оналар уйга кеч келган болаларини «фалончининг итига ўхшаб қайларда юрибсан!» деб жеркийдиган бўлишди... Бир қарашда ҳазилдай кўринади-ю, лекин бор гап ҳам шу. Тўрт сатр мутойиба шеър:

Илғасанг гар бирор
иллат ё нуқсонни
Топиб келгил дарров
Зойир Мамажонни.
Қалам деган сихга
тортар ўшал они,
«Чағониён» деган
ўтлуғ кўраси бор.

Ҳаётда эллик йил яшаб, шундан ўттиз йилдан кўпини қалам билан қоғозга сарфлаган, китоблар чиқарган, тирикликнинг аччиғини ҳам, чучугини ҳам бирдай тотиб кўрган, одамзоднинг пастини ҳам, баландини ҳам ўткарган, надомату маломатни, меҳру мурувватни ҳам беармон кечирган ёзувчи одамнинг армони, орзу-ҳаваси нима? Рўзғор, болачақа, қариндош-уруғ, ёру биродар ташвиши ўз йўлига, лекин бу дунёда етимликни ҳам кўрган, ўлимнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам мазмун-моҳиятини англаб етган, ҳаётда ўзининг асосий, муҳим инсоний хулосаларини чиқариб бўлган ва мана, умрнинг Орзу-Армон, Бахт ва Толе, Қувонч ва Изтироб бекатида ўй суриб турган ёзувчи кишининг бу тирикликдан истак-таманноси яна нима?

Буни қарангки, шунча «дағдағаю овозаси» билан Зойир акамизнинг ўз уйида китоблари, қалам-қоғозларию ёзув столи билан ёлғиз қоладиган, ташқи дунёдан, рўзғордан, ташвишлардан «қочиб бекинадиган» алоҳида хонаси йўқ экан. Ана энди, ниҳоят, шу армон амалга ошадиган бўлибди. Асосан оиласи, бола-чақалари, рўзғори «эгаллаган» асосий уйга ёндош қурилган икки хонали бинонинг бир хонаси — ёзувчининг «оламга фикр сочадиган» жойи бўлади, деб оиласий кенгашда қарор қилинибди.

Зойир ака Сурхондарёнинг шимолий туманлари — Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой ҳудуди адабий муҳитининг бир тимсоли. Бу томонларга йўли тушган шоирми, носирми, албатта, у кишини кўрмасдан кетмайди. Излаб, суриштириб, йўқлаб топади. Зойир акани кўриб, гаплашгандан сўнггина ҳовуридан тушади: «Энди кетсак ҳам бўлади» дейди. Аканинг яқин устози, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур ака Холмирзаев Бойсунга Денов орқали боради, мабодо аввал Бойсунга келган бўлса, Денов орқали, Зойир акани кўриб, дийдорлашгандан кейингина Тошкентга жўнайди. Шоир акамиз Усмон Азимнинг энг яқин биродари, Набижон Боқий билан ака-ука, Тоғай Муродга қадрдон оға, шу ердан етишиб чиқаётган ёшу қари қаламкашларнинг бир холис хайрихоҳи, ҳамдами, ҳомийси.

«Тирикчилик ўтади, тириклик қийин» деб ўйлайди у. «Қизилсув бўйларида» деб номланган китоби ўз вақтида китобхонларнинг эътиборига тушган эди. Икки йил олдин «Шарқ юлдузи»да чоп этилган салкам бир қиссанинг «юки ортилган» «Гулхан атрофидагилар» номли ҳикояси бу — ёзувчининг жимиб кетмагани, у муттасил жиддий ижодий меҳнат билан машғул эканлигининг яна бир исботи бўлди...

Биз ҳаммамиз ўз еримизнинг, ўз тупроғимиздаги нурлар, шуълаларнинг фарзандларимиз. Болаликдан, Менгзиё ака айтмоқчи «оқизиқ дарё соҳилларида» ёққан гулханларимиз, олис қирларда милтиллаган чироқлару осмонларда жимирлаб, сирли оламларга чорлаган юлдузларнинг ҳам фарзандларимиз бизлар. Нур, деймиз, зиё деймиз, шунга интилиб яшаймиз. Зойир аканинг ҳам болаликда — Қизилсув бўйларида ёққан гулханларининг тафти, алангаси ҳали ўчгани йўқ. Қилаётган эзгу-хайрли амалларида, ёзаётган асарларида, қолаверса, бутун эл-улус орзиқиб, кутиб, севиб ўқиётган газетаси «Чағониён»нинг саҳифаларида ҳамон гуриллаб ёруғлик сочаётибди у гулханлар.

Сирожиддин САЙИД

Мен онамнинг асал тили бўламан,
Ватанимнинг гўзал гули бўламан

«БОШИМ ҚУЁШДИН ЎТТИ...»

Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг айрим қирралари

Одатда Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти тўғрисида сўз кетганда унинг мамлакатни обод қилиш, халқнинг аҳволини яхшилаш йўлидаги ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлик қилгани кўпроқ тилга олинади. Шунингдек, унинг юртда адолат ўрнатишга интилгани, подшоҳ ва унинг ўғилларининг ўртасидаги низоларни бартараф этиш учун курашгани яхши маълум.

Биз мақоламизда Навоий фаолиятининг тадқиқотчилар назаридан четда қолган ёки камроқ ёритилган жиҳатлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Буюк шоирнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига оид маълумотлар фақат тарихий, адабий манбалардагина эмас, унинг ўз асарларида, жумладан, мактубларида ҳам мавжуддир. Навоий «Муншаот»идаги бир қатор мактублар бу фикримизни тасдиқлаши мумкин. Ана шундай мактублардан бирини Навоий ўша пайтда Астробод вилоятини бошқариб турган шаҳзода Бадиуззаманга йўллаган. Мазкур битикда шундай сўзлар бор: **«Яна улким, ул вилоятларнинг бир куллий иши даҳоналарнинг забтидир. Бу маҳалдаким, кўнгул тиламасдек амре воқеъ эрмас, даҳоналарда андоқ мазбут кишилар кўюб, андоқ мустаҳкам ва мазбут қилилсаким, наузу биллоҳким, агар амре ҳодис бўлса, даҳоналар тарафидин хотир билкуллий жамъ бўлса».** Яъни у ўлкалардаги бир катта иш чегарадаги ўтиш ерларини қаттиқ ушлашдир. Бу пайтда кўнгил тиламайдиган ёмон иш юз бергани йўқ, ўтиш ерларига ишончли кишиларни қўйиб, шундай мустаҳкам қилиб қўйиш керакки, агар бирон иш юз бергудек бўлса, чегараларининг ўтиш ерларидан кўнгил бутунлай тинч бўлса. Бошқа бир ўринда шундай сўзлар битилади: **«Яна улким, Ироқ мамлакатиға фаҳмлиқ, ҳушлуқ кишилар юборуб, доим хабар тутила турилса. Арз қилур йўсунлиқ хабарларни арзадошт қилиб юқори юборила турулса, ул бобда не ҳукм бўлса анга кўра иш қилилса».** Яъни Ироқ мамлакатига эсли, ҳушли кишиларни юборуб, у ердаги ишлардан хабар топиб борилса, у кишилар юборган маълумотларнинг моҳияларини ажратиб юқорига жўнатиб турулса. Улар юзасидан қандай буйруқ берилса, шунга кўра иш қилинса.

Биринчи парчада гап давлат чегараларини мустаҳкамлаш, ҳар қандай қутилмаган ишларга тайёр бўлиб туриш тўғрисида, иккинчи парчада эса қўшни мамлакатга махсус кишилар жўнатиб, у ердаги воқеалардан хабар топиб бориш, улар жўнатган маълумотлар билан ишлаш хусусида кетяпти. Маълум бўладики, Навоий ана шундай ишлар, яъни бугунги тилимиз билан айтганда хавфсизликни сақлаш ишлари билан ҳам шуғулланган экан. Султон томонидан унга берилган ваколатлар ҳамда етук сиёсий ва ҳарбий арбобга хос шахсий фазилатлари Навоийнинг юқоридаги соҳаларда ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатишини таъминлаган. Манбалардан маълум бўлишича, Навоий мамлакат тинчлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келганда мустақил қарорлар қабул қилиш, вазият тақозо этганда эса ана шундай кучларга қарши кескин чоралар кўриш ва уларни бартараф қилиш учун етарли даражада ваколатга, куч ва иқтидорга эга бўлган. Бунга далил сифатида Мирзо Абулхайр исёни ва унинг бостирилишини эслаш мумкин. Бу воқеа Султон Ҳусайн Мирзонинг Балх вилоятига юриши вақтида юз берган эди. Навоий ҳам аввал шу юришда подшоҳ билан бирга бўлган, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. Уруш чўзилиб кетганлиги сабабли қўшиннинг озиқ-овқат заҳираси тугаб қолади. Шу муносабат билан Султон Ҳусайн Мирзо Навойни Хуросонга юбориб, черикни галла ва озиқ-овқат билан таъминлаш вазифасини топширади. Навоий Ҳиротга келиб подшоҳ буйруғини бажариш чораларини кўради. Етарли миқдорда галла тўплаб Балхга, подшоҳ бошчилигида Балхни қамал қилиб турган қўшинга жўнатади. У Ҳиротда ана шу ишлар билан шуғулланиб турганда Мирзо Абулхайр подшоҳнинг йўқлигидан фойдаланиб исён кўтаради. Бундан хабар топган Навоий қатъий ва кескин ҳаракат қилиб, исённи бостиради. Тарихчи Хондамир ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» асарида бу воқеа ҳақида шундай ёзади: «Амир Алишер Ҳиротда эканлигида темурий шаҳзодалардан ҳисобланган мирзо Абулхайр исён кўтарди ва Ҳиротдан қочди. Султон ҳазратларининг яқин дўсти уни таъқиб қилиб, тангрининг иноятти билан қўлга туширди ва Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйди».

Маълумки, фуқароларнинг мол-мулки ва ҳаётининг дахлсизлигини таъминлаш, тартибни сақлаш ҳамма даврларда ҳам давлат зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланган. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, Навоий бу борада ҳам самарали фаолият кўрсатган. Манбаларнинг хабар беришича, ҳижрий 903 (1497-98)-йилларда пойтахт Ҳиротда жиноятчилик авж олиб кетган. «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарининг муаллифи Зайниддин Восифийнинг қуйидаги сўзлари шундан далолат беради: «...Ҳирот шаҳрида безори, ўғри ва бевошлар кўпайиб кетди. Иш шунгача бориб етдики, кечалари ҳар кўча ва маҳаллада, албатта, бирор ўлик ва мажруҳ кишини топардилар. Бундай фасод ва тартибсизлик ҳаддидан ошиб кетди». Бунга жавобан Ҳусайн Бойқаро қаттиқ чоралар кўришга мажбур бўлган. Унинг буйруғига биноан жиноятчиларни ушлаб бошлайдилар, қўлга тушганларига нисбатан оғир жазолар қўлланади. Лекин ана шу жараёнда ноҳақликлар ҳам юз беради. Бу ҳақдаги шикоятлар подшоҳга етиб келгандан сўнг у мазкур ишни адолат билан ҳал қилишни Алишер Навоийга топширади. Навоийнинг бу борадаги фаолиятига оид маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди. Навоий жиноят содир этган киши ким бўлишидан қатъий назар қилмиши учун жавоб бериши керак, деб ҳисоблаган ва ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмаслиги учун бор кучини сарфлаган. Буни қуйидаги воқеа тасдиқлаши мумкин. Навоий олдига бир одам арз қилиб келади ва ичиб маст бўлиб олган кишилар унга ва хотинига жароҳат етказганликларини айтади. Маълум бўлишича, бу ишни қилган кишилар Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бўлмиш бир шаҳзода қулида хизмат қилар эканлар. Навоий дарҳол ўша мирзога мактуб йўллайди. Бўлган воқеани баён қилгач, адолат юзасидан лозим бўлган чораларни кўришни сўрайди.

Муҳим давлат мансабларига қўйиш учун муносиб кишиларни танлаш ҳам Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида катта ўрин тутган. Шоирнинг кишиларга тўғри баҳо бериш, улардаги истеъдод ва қобилиятларни тез пайқаб олиш хусусияти айнан шу соҳада яққол намоён бўлган. Навоийнинг тавсияси билан ишга тайинланган кишиларнинг аксарияти кейинчалик таниқли арбоблар бўлиб етишганлар.

Султон Ҳусайн мирзонинг эътиборли бекларидан Бобо Алибек ўз фаолиятини Алишер Навоий қулида оддий нўкар сифатида бошлаган. Ундаги салоҳиятни ўз вақтида кўра олган Навоийнинг қўллаб-қувватлаши туфайли у юқори мартабаларга кўтарилган, беклик рутбасига эришиб ва подшоҳ ҳузурида эшик оғаси бўлиб хизмат қилган. Ўз даврида ҳам шоир, ҳам давлат арбоби сифатида танилган Шайхимбек Сухайлийни ҳам Навоий ўз ўрнига муҳрдорликка тавсия этган эди. Бир неча йил Ҳирот қозиси бўлиб турган Қози Низомуддин Муҳаммаднинг ҳам Навоий таклиф билан бу мансабга қўйилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Бундан ташқари, подшоҳ ҳузурида садрлик лавозимини эгаллаган Мирсарбарахна (асл номи Шамсуддин Муҳаммад Андижоний), қушбеги Ҳусайн Алибек Жалойир (Туфайлий таҳаллуси билан шоир сифатида ҳам танилган), шунингдек, вазир хожа Афзаллар ҳам Навоийнинг ҳомийлиги ва илтифотидан фойдаланганлар. Фақат мансабдор кишилар эмас, ҳатто шаҳзодаларни бирон вилоятга ҳоким этиб тайинлаш ёки уларга тегишли қарорлар қабул қилишда ҳам Навоийнинг фикри катта аҳамиятга эга бўлган. «Муншаот»да Бадиуззамон Мирзонинг Астробод ўлкасига ҳоким этиб тайинланиши муносабати билан ёзилган хат бор. Навоийнинг давлат арбоби сифатида катта таъсирга эга бўлганлигини кўрсатувчи ушбу битикнинг диққатга сазовор ери шундаки, унда барча нарсалар очиқ-ойдин ёзилган, аксар мактублар услубига хос бўлган воқеаларни пардалаб баён қилиш, имо-ишоралар билан ўтиш унга ёт. Жумладан, шаҳзоданинг ҳоким этиб тайинланиши юзасидан подшоҳ билан Навоий ўртасида бўлиб ўтган гапсўзлар айнан келтирилган. Навоийнинг ёзишича, икки ўртада шундай савол-жавоб бўлиб ўтган: **«Аммо-мундоқ сўз кечтиким, Мўғул андоғи ишларға бағоят кўп эҳтимомлар қилур эрди, Бадиуззамон мирзо онча эҳтимом қилғайму. Арз қилдимким, андин кўпрак эҳтимом қилғусидурлар».** Яъни Султон Ҳусайн мирзо Астрободининг илгариги ҳокими Мўғулбек у ердаги ишларга кўп кучғайрат сарфлаганини айтиб, Бадиуззамон мирзо шунчалик ҳаракат қилармикан, деган. Шунда Навоий «ундан ҳам кўпроқ ҳаракат қилади», деб жавоб берган. Султонни шундай деб ишонтиргани учун Навоий Бадиуззамонга қуйидаги сўзларни ёзади: **«Эмди иноят қилиб, ўзлукингиз била машғуллиқ қилиб иш-кучни кишиқаро умидиға қўймасангиз яхшироқ бўлғай... Агар андоғи ишларда беэҳтимомлиқ воқеъ бўлса, Мирзо тобуғида бу қул уётлиг бўлғусидир деб қуллуқ арзадошт битилди».** Яъни энди ўзингиз астойдил ишга киришиб, у ердаги ишларни қўлингиздаги кишиларга топшириб қўймасангиз яхши бўлади. Агар у ердаги ишларда сустлик, бепарволик юз берса мен мирзо олдида уятга қоламан.

Кўринадики, шаҳзоданинг Астробод ҳокими этиб тайинланишида Навоийнинг роли катта бўлган. Бу иш ўзининг маслаҳатига биноан қилингани сабабли шоир кейинчалик подшоҳ олдида хижолатга қолмаслик учун шаҳзодани кўч-ғайратни аямасликка, сустлик ва бепарволик қилмасликка чақиради, унга насиҳатлар қилади. Бу ўринда ҳам унинг донолиги, давлат ишларида бепарволик қилишни маъқулламаслиги кўриниб туради. Жумладан, Бадиуззамон мирзонинг қўл остидаги айрим кишиларни жазолаб, мол-мулкидиган ишлардир. Аммо подшоҳ ўз одамлари ишига эътибор билан қараса, уларнинг аҳволидин кўз-қулоқ бўлиб турса, улар ҳукмдорнинг сиёсатидан қўрқса, қуллар томонидан айб ва гуноҳлар оз юз беради. Подшоҳга ҳам уларни жазолашга тўғри келмайди.

Бошқача айтганда, Навоий ўша одамларнинг қилган айблари шаҳзоданинг бепарволиги сабабли юз берган, деб ҳисоблайди ва уни ҳушёрликка чақиради.

Вақф мулкларининг аҳволи ва улардан келадиган тушумларнинг тўғри сарфланиши билан боғлиқ масалалар ҳам Навоийнинг диққат-эътиборида бўлган. Буни шоирнинг мана бу сўзлари кўрсатиб туради: **«Яна улким, судурга ҳукм бўлсаким, вилоят авқофидин хабардор бўлсалар, бузулғонни тузатсалар, мутағаллиба илгида бўлса чиқариб, ҳосилин масрифиға еткурсалар. Бу ишларким судурга буюрулур Хожа Фалонға дағи ҳукм бўлсаким, алар ишидин хабардор бўлуб, аларға мададгорлиғда тақсир қилмаса».**

Бу ердаги «мутағаллиба илгида бўлса чиқариб», деган сўзлар диққатга сазовордир. Маълумки, вақф мулкларидан келадиган тушумлар мадрасаларнинг талабалари, мударрислар, илм аҳлининг эҳтиёжлари учун сарфланар эди. Айрим кишилар, бошлиқлар турли йўллар билан вақф мулкларини эгаллаб олишга, улардан келадиган даромадни ўзлаштиришга интилганлар. Навоий юқорида ана шуни назарда тутиб, агар вақф мулки ёки ундан келадиган даромад ана шундай кишилар қўлига ўтиб қолган бўлса, тортиб олиш лозимлигини таъкидлайди.

Умуман, Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти ниҳоятда кенг қуламли, серқирра бўлган. Хусусан, шоирга «муқарраби ҳазрати султоний» унвони берилгандан сўнг унинг давлат ишларидаги таъсири янада ортган. Афсуски, Навоий ҳаёти ва фаолиятидаги бу катта воқеа ҳақида биз тўла тасаввурга эга эмасмиз. Шу муносабат билан Навоий «Муншаот»идаги бир мактубга тўхталиб ўтиш ўринли туюлади. Чунки бизнинг назаримизда, мазкур хатнинг ёзилиши Навоийга юқоридаги унвоннинг берилиши билан бевосита боғлиқдир. Мактуб Навоий асарлари ўн беш жилдлигида 68 рақами остида берилган. Битик қуйидаги рубоий билан бошланади:

Рубоия
Ҳам чарх бисоти арсаи боргаҳинг,
Ҳам ой жирми наъли саманди сипаҳинг
Ҳам кун сипари қазо ўқидин панаҳинг
Йўқ-йўқ бу чарху, ою кун ҳоки раҳинг.

Мактубнинг жавобия эканлигини ундаги мана бу жумлалар кўрсатиб туради: **«Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошинг улким, иноят нишониким, туғроси учун қуёш олтунини фалак садафида ҳал қилилиб эрди ва муҳри учун Муштарий юзига ҳумоюн алқоб ёзилиб эрди-етишти».** Мактуб мазмунидан Султоннинг Навоийга тўн, белбоғ, ясатилган от ва бошқа қимматбаҳо нарсалардан иборат совғалар юборгани англашилади. Шоҳ юборган нома ҳақида битилган жумлаларда «туғро» «муҳр», «ҳумоюн алқоб», «нишон» каби сўзлар қўлланиладики, биз бундан унинг оддий мактуб эмас, расмий ёрлиқ эканлигини англаб оламиз. Бу ёрлиқнинг нима хусусда эканлиги ҳақида эса ёрлиқ билан тўн, белбоғ, ясатилган от ва бошқа совғалар қўшиб жўнатилганидан билиб олишимиз мумкин. Ўша вақтдаги удумга кўра, ҳукмдор бирон кишига янги унвон ёки мансаб берганда шу ҳақдаги ёрлиқ билан бирга тўн ёки бош-оёқ устбош ва от топширар эди. Масалан, «Бобурнома»да Бобур Муҳаммад Замон мирзони Баҳор вилоятига ҳоким этиб тайинлагани ҳақида шундай ёзади: «... Муҳаммад Замон мирзоға хосса бош-оёқ ва камар-шамшир ва тўпчоқ ва чатр иноят қилиб, Баҳор вилоятиға юкундурулди...». Ёки «Равзат ус-сафо» асарида Алишер Навоийга амирлик мансаби берилгани ҳақида ёзар экан, муаллиф унга чопон ва бош кийими ҳам тақдим этилганини айтиб ўтади: «Амир Алишер ... аморат мансабини қабул қилди, тилладўзи чопон, наврўзий кулоҳ кийиш билан фахр топти».

Шундай қилиб, мактуб Навоийга берилган янги унвон ёки мансаб муносабати билан ёзилган, деб айта оламиз. Ундаги: **«Мартабада бошим қуёшдин ўтти ва саодатда юзум Муштарий юзига етти»,** деган жумлалар бу ўринда жуда юксак унвон ёки олий мартаба хусусида сўз кетаётганлигидан далолат беради. Шунга кўра, хат Навоийга «Муқарраби ҳазрати султоний» унвонининг берилиши тўғрисида кетаяпти, деб ўйлаймиз.

Мактуб Навоий қаламига тегишли бошқа асарлар сингари юксак бадиият билан ёзилган. Хусусан, муаллифнинг ўзига юборилган совғаларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида лутф қилиши жуда гўзал чиққан. Масалан, шоҳона тўн ҳақида: «шоҳона хилъатлар мужиби ул бўлдиким, қуллуқ кисватин бир-бири устига кийгаймен»; белбоғ ҳақида: «муқ

Суйима ҒАНИЕВА

«РАВЗАТ УС-САЛОТИН» ВА ТУРКИЙҒЎЙ ШОИРЛАР

«Мажолис ун-нафоис»ни «Латойифнома» номи билан форс тилига таржима қилган Фахрий Ҳиротий қаламига яна қуйидаги асарлар мансуб: «Равзат ус-салотин» — султонлар ҳақидаги тазкира, «Жавоҳир ул-ажойиб» — аёл шоиралар ҳақидаги тазкира, «Туҳфат ул-ҳабиб» — форсий шеърлар мажмуаси, «Саноеъ ул-ҳусн» — шеърият назариясига оид асар, «Ҳафт кишвар» — тарихий ривоятлар ва тасаввуф ҳақидаги асар, ўзининг «Девони».

Фахрий Ҳиротийнинг ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар жуда оз. Унинг асарлари қачон ёзилган ва қайси ҳукмронларга бағишланганидан келиб чиқиб, қаерларда яшаганини аниқлаш имкони бор.

Фахрийнинг отаси Муҳаммад Амирий ғоят маърифатли шахс бўлиб, «Амирий» тахаллусида шеърлар ёзган. Покистонлик Саййид Ҳусомуддин Рошидий (бу олим 1968 йили Ҳайдарободда «Равзат ус-салотин»ни нашр эттирган) ва эронлик олим Гулчин Маоний Амирий ҳақида шундай деб ёзадилар: «Олиймакон буржининг юлдузи, комил баён даржи (ёзув)нинг гавҳари, Мавлоно Амирий Хуросоний аъён ва акобирларидандир. Дейдиларки, амирлик лавозимида хизмат қилгани боис «Амирий» тахаллусини олган. Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. «Туҳфат ул-ҳабиб»нинг соҳиби Мулло Фахрий унинг ўғлидир. Нақл қиладиларки, Шоҳ Исмоил Ҳиротни босиб олгач, уни Амирий ва Дурмишхонга берган. Улар жуда яхши ҳукмронлик қилганлар. Аммо Амирий фозилроқ ва машҳурроқ бўлган. У ниҳоятда хуштаъб, фаҳим (тушинувчи), ҳаким (донишманд) ва доно бўлган. У Бадруддин Ҳилолий ва Абдуллоҳ Ҳотифий ҳамда бошқаларга ҳамиша азиз бўлган».

Тазкиранавис ва муаррихларнинг тахминларига кўра, Фахрий 903/1497—98 йили дунёга келган. Манбаларда у олим, фозил, фасиҳ (нозокатли сўзловчи), хушмижоз, хуштаъб, хушхат, ифтихори замон, зубдат ул-муаллифин (муаллифлар сараси), хуштабиат одам ва яхши шоир, деб таърифланади.

Фахрий Ҳиротий асарларидан «Ҳафт кишвар» 907/ 15559—60 йилдан аввал ёзилган. Муқаддима, 7 кишвар ва 7 манзилдан иборат.

«Манзил», деб аталган бобларда манзиллар сифати ва инсони комилни таниш, адаб ва аҳли талаб, тавозуъ, илм ва унинг фойдаси, ҳамида афъоллар — гўзал феъл-атворлар ҳақида фикр юритилади.

«Кишвар» деб номланган фаслларда тарихий мавзулар ёритилган. Айни чоғда, раъиятпарварлик, инсонпарварлик ғоялари Юсуф, Феруз ва Ҳурмуз фаолияти мисолида, уламолар, олийҳиммат лилик, туз билмаклик, қазо, қадар ва ҳоказолар ғайғамбарлар, тарихий шахслар ва мифологик ҳукмдорлар фаолияти орқали ифодаланади.

Фахрий Ҳиротийнинг «Туҳфат ул-ҳабиб» номли мажмуаси форсий ғазалиётдан таркиб топган ва бизда «Радойиф ул-ашъор», деб юритилади. Унда ғазаллар радифлар тартибида берилган.

«Саноеъ ул-ҳусн»ни Фахрий 958/1551 йилдан кейин ёзган. Унда шеърий санъатлар хусусида фикр юритилади.

«Латойифнома» «Мажолис ун-нафоис»нинг форсча таржимаси бўлиб, мутаржим унга ўзидан баъзи фикраларнигина эмас, балки алоҳида боблар ҳам қўшгани ҳақида фанимизда озми-кўпми фикрлар билдирилган.

«Жавоҳир ул-ажойиб» муаллифнинг аёллар ҳақида ёзган тазкирасидир. 968/1554-55 йили яратилган, 31 шоира ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар баъзи ўринларда билганларимизни тўлдиради, аксаран эса янги маълумотлар ёхуд янги шеърлар намуналаридир.

Фахрий Ҳиротийнинг «Равзат ус-салотин» тазкираси «Мажолис ун-нафоис» таъсирида битилган. Асар одоби таснифга кўра, Оллоҳнинг ҳамди, Пайғамбар наъти, асарнинг ёзилиш сабаби, нияти таълиф ва асар мундарижаси муқаддимада берилади. Фахрий ёзади: «Кунларнинг бирида Шоҳ Ҳасан ҳузурида шеърият хусусида сўз кетар эди, ул жаноб: Ҳусайн Бойқаро «Девон»ларини бизга совға қилдилар, дея таъзим ва даъват юзасидан шундай байтни ўқидилар:

Сухан назди сухандон бузургвор бувад,
Сухан зи осмон омад, сухан на хор бувад.

(Яъни: Сўз уни билувчилар наздида улуғвор бўлади. Сўз осмондан тушган, сўз хор бўлмайди).

Бу таъзим, бу ҳурматни мулоҳаза этгач, менда назм ибтидосидан бошлаб шеърият билан машғуллиқ қилган султонлар ҳақида бир асар ёзиш нияти пайдо бўлди ва бу тазкира яратилди, унга «Равзат ус-салотин» номи берилди».

Муқаддима ва етти бобдан иборат бу асар мундарижаси қуйидагича:

1. Шеър ва унга гоҳо илтифот кўрсатган Баҳромгур, Султон Санжар, Тўғрулбек, Султон Аъзуддин Жаҳонсўз ҳақида;
2. Яхши шеърлар ёзган чиғатой подшоҳлари;
3. Темур авлодлари — Самарқанд ва Бухорода яшаган соҳиби девон шоирлар;
4. Ироқ ва Рум нозимлари;
5. Ҳиндистон ва бошқа атроф маликлари;
6. Амирлар;
7. Шоҳ Ҳасан Арғун.

«Равзат ус-салотин»да 81 нафар ижодкор (султон ва амирлар) ҳақида маълумотлар жамъланган. II боб Муҳаммад Шайбонийхон номи билан очилади. Шоҳ Будоғ ўғли Абулхайрхон набираси Шайбонийхоннинг мухтасар таърифидан сўнг унинг гоҳ-гоҳи шеър айтгани таъкидланади ва Имом Мусо Ризога атаб Машҳадда ёзган қасидасидан 2 байт келтирилади:

Тус ва Машҳадким, дерлар лутфу эҳсон андадур,
Равзаи Султон Али шоҳи Хуросон андадур.
Гунбадининг қуббаси оламга бўлди нурбахш,
Кўк эрурким, партави хуршеди тобон андадур.

«Убайдуллохон — Шайбонийхон биродарзодаси Маҳмудхон Султон ўғлининг ажиб тавр ишларидан бири Ҳилолийни шаҳид қилгани бўлди», деб ёзади Фахрий.

Тазкирада Убайдуллохоннинг 2 форсий ва қуйидаги туркий байти келтирилади:

Бир-бир айтинг, дўстлар, ҳолимни дилдор оллида,
Айтиб-айтиб йиғлангиз, зинҳор-зинҳор оллида.

Буқохон ўғли Юнусхон салтанат ишларидан кечиб, сафар ихтиёр қилади ва бир неча муддат Рум шаҳарларида яшайди. Қаламтарошлик санъатида устод бўлган Юнусхон шу йиллари қошиқтарошлик ҳунари билан рўзғор тебратган. Шунинг учун уни Устод Юнус қошиқтарош, деб таниганлар. Дейдиларки, Румдан Самарқандга келганида Абусаъид унга мўғул жулусини топширган экан. Табъи назми ғоят яхши бўлган:

Мунингдек хусну жамолинг кўрарса тор ила гул,
Келар юзунг суйи бирла бу дисор(?) ила гул...

Қозу қимизу қизу қоши керак,
Чангу рубобу барбату уд овози керак.

Ўлжахон ўғли Султон Маҳмудхоннинг (уни Шайбонийхон қатл эттирган) бир форсий матлаъи келтирилади.

Қуйидаги байт эса Ўлжахон ўғли Султон Саидхон қаламига мансуб:

Қайси гулшаннинг юзунг янглиғ гули раъноси бор,
Қайси гулнинг ҳам сенингтек бўлбули шайдоси бор?

Рашидхон Султон Саидхон ўғли бағоят зариф подшоҳ ва хуштаъб шоир бўлган:

Юзунгни кўргали девонадурмиз,
Жаҳоннинг аҳлидин бегонадурмиз.

Демонким, лолаву гулни кўрубмен
Ки, давлатларга мен худ ёнадурмен.

Тадқиқот, ахборот

Бу бобда яна Будоқхон ўғли (тахаллуси Наврўзий), Муҳаммад Аминхон (Қозон хони), Пўлодхон Темур Султон ўғли (Муҳаммад Шайбонийхон набираси), Абдулазизхон Абдуллохон ўғли, Султон Саид Абусаидхон Кўчимхон ўғли тахаллуси Кўҳҳан, унинг «ояд» радифли шеърига Мўмин Жарроҳ деган бастакор мусиқа (нақш) басталаган каби султонларнинг форсийдаги шеърлари ва улар ҳақида мароқли маълумотлар берилади.

Темур авлодларига бағишланган III боб Халил Султон Мироншоҳ ўғли тўғрисидаги фикра билан бошланади. Султон Аҳмад Бағдодда давлат ғурури ва сипоҳлари ҳунглидаги сурурни баён этувчи бир қитъа ёзиб, Темурга юборганида, Соҳибқирон таассуф билан: «Агар менда шеър айтиш қобилияти бўлганида эди, шу қитъага жавоб битар эдим. Менинг фарзандларимдан кимнинг қўлидан келса, жавоб ёзсин», деганида Халил Султон жавобия қитъа ёзган экан. Халил Султоннинг туркий матлаъси «Мажолис ун-нафоис»да мавжуд.

Султон Сикандар Шерозий Умаршайх ўғли ҳақидаги маълумотлар ичида ғоят диққатга лойиқ бир фикр бор. Ҳиротий Сикандар Шерозийнинг маддоҳи сифатида Ҳайдар туркийғўйни тилга олар экан, унинг қаламига «Махзан ул-асрор» ва «Гул ва Наврўз» мансубдир, деб ёзади. Бу билан биз адабиётшунослигимизда баҳс олиб борилаётган «Гул ва Наврўз»нинг муаллифи Мавлоно Лутфий эмас, Ҳайдар Хоразмий эканлигини тасдиқловчи яна бир манбаъ мавжудлигини уқамиз. Бу фикра матни остидаги изоҳда ношир Саййид Ҳусомуддин Рошидий «Мажолис ун-нафоис»даги бир туркий байтни, «Махзан ул-асрор»дан насиҳат бобидаги парчани ва бир туркий туюғни келтиради.

Абубакр Мирзо, Улуғбек Мирзолар ҳақидаги маълумотлар «Мажолис ун-нафоис»ни такрорлайди. Бойсунғур Мирзога бағишланган фикрада унинг маддоҳи шоир Бобо Савдоий билан бўлиб ўтган мутойибалар қаламга олинади, кўп таърифлардан сўнг Навоийда берилган матлаъ келтирилади. Фахрий Ҳиротий Шарафуддин Яздийнинг машҳур «Зафарнома»си Бойсунғур Мирзонинг катта ғамхўрлиги, илтифотлари билан яратилган дейдики, бу диққатга сазовор фикрдир.

Бойсунғур Мирзонинг ўғли Бобур Қаландар ҳақида муаллиф ёзади: «Дарвешсифат, хушхулқ, каримтабъ ва олийҳиммат эди. Тасаввуфга оид «Ламаъот», «Гулшан роз»га ихлоси баланд эди». Шоир ижодидан намуна сифатида келтирилган 1 рубоий, 1 ғазал ва яна бир ғазалдан 3 байт чиндан ҳам жуда гўзал ва юксак санъат билан битилган

Султон Ҳусайн Мирзонинг машҳур «монда» радифли ғазалини Фахрий шоир кексайган чоғларида ёзган, деб таъкидлайди. Маълумки, бу ғазалга жуда кўп шоирлар жавоб ёзганлар.

Султон Али Мирзо, Хон Мирзо, Сулаймоншоҳ, Мирзо Иброҳим, Кичик Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Носир Мирзо, Султон Муҳсин Мирзо, Муҳаммад Мўмин Мирзо, Бобур Мирзо, Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо, Муҳаммад Аскарий Мирзо, Муҳаммад Ҳиндол Мирзо ва Мирзо Ҳайдар ҳақидаги фикраларда кўп қизиқарли маълумотлар бор. Бу шоирлар ижодиётидан келтирилган мисоллар ҳам янгиликлар сирасига киради. Масалан, Шоҳ Ғариб Мирзонинг бир туркий ғазали, Мўмин Мирзо ва бошқа бобурий мирзоларнинг шеърлари, 58 мисра туркийдаги шеърлар, Мўмин Мирзонинг Абдураҳмон Жомийнинг бир ғазалига ёзган етук мухаммаси шулар жумласидандир.

IV-V боболарда 8 нафар Ироқ, Рум ва Ҳиндистон султонлари, VI бобда амирлар, улар ичида Алишер Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашер ҳам бор, ниҳоят, VII бобда Шоҳ Ҳасан Арғун (тахаллуси Сипоҳий) ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Навоийга бағишланган фикрада унинг ҳар куни 15 минг динори кепаки миқдорида хазинасига тушиб турган маблағни турли-туман қурилишлар, таъмир ишларига, ҳайрий ҳўжаларга сарфлаб тургани қайд этилади. Муаллиф шоир асарларини санаб ўтар экан, «Лисон ут-тайр» ўрнида «Қиссаи Шайх Санъон»ни кўрсатади. Рўйхатдан «Муҳокамат ул-луғатайн», «Тарихи мулки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Вақфия», «Муножот», «Сирож ул-муслимин», «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» тушиб қолган. Шоир ижодидан намуна тарзида «Наводир уш-шабоб»дан бир ғазал ва «Туҳфат ул-аҳкор» қасидасидан матлаъ келтирилади.

Фикрларимизни хулосалайдиган бўлсак:

1. Фахрий Ҳиротийнинг «Равзат ус-салотин» тазкираси «Мажолис ун-нафоис» таъсирида ёзилган. Унинг яратилишида Ҳусайн Бойқаронинг билвосита ўрни бор.
2. Муаллиф «Мажолис ун-нафоис» таржимаси — «Латойифнома»га қилган иловаси — IX мажлиснинг (9 қисм ва хотимадан иборат) «Зикри латойифи умарои номдор» ва «Зикри латойифи салотини комгор» қисмларидаги маълумотларни баъзан тўлалигича, баъзи ҳолларда эса тўлдириб келтиради.
3. Тазкира туркийда қалам тебратган шоирлар ва улар ижодидан келтирилган намуналари билан ғоят қимматли манбаъдир.
4. Фикралардаги бадиий лавҳалар, муаллифнинг танқидий қарашлари асарга давр адабиёти ва адабий жараёни ҳақида муайян тасаввур яратиш имконини беради.
5. Тазкирадаги 81 ижодкордан аксариятининг номлари бошқа тазкираларда учрамайди. Бу жиҳати билан асар ноёб адабий ёдгорлик ҳисобланади.

«Равзат ус-салотин»ни чуқурроқ ва бошқа тазкиралар билан қиёсан ўрганиш навбатдаги вазифаларимиздандир.

Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800йиллиги

«ВАТАНГА ҚУЛЧИЛИК — ШОҲОНА МАНСАБ»

Иккинчи жаҳон уруши даврида Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» трагедияси асосида Ҳамза номидаги ўзбек академик театримиз томонидан тайёрланган спектаклни кўрганим учун ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Зеро, бу спектаклда санъатимизнинг гуллари иштирок этгандилар. Шукур Бурҳонов (Жалолиддин), Аброр Ҳидоятов (Темур Малик), Сора Эшонтўраева (Султонбегим), Обид Жалилов (Хоразмшоҳ), Олим Хўжаев (Бадриддин), Амин Турдиевдай (Чингизхон) буюк истеъдодларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлиб, беқиёс эстетик завқ олганлигимни мамнуният билан эсламасдан ўтолмайман. Яна муҳим томони шундаки, асар юксак дидли санъаткорларнинг катта талабларига жавоб берган, уларга мос ва хос мазмунда яратилганди.

Ўша кезларда асар муваффақиятли ўйналгани, томошабинлар театрга оқиб келганлиги ҳақ. Ойбек ва Ғафур Ғулом каби атоқли адибларнинг спектаклга берган баҳолари томошабинлар кўнглидаги гапнинг акс-садоси бўлиб янгради.

Шундай қувончли дамларда собиқ марказдан берилган совуқ буйруқлар буйича асарнинг саҳнадаги ҳаётига чек қўйилди. Мана, орадан талай йиллар ўтди. Ватанимиз ўз мустақиллигига эришди. Президентимизнинг Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори халқимиз дилидаги орзу-истакларга мос бўлди. Зеро, қарорда халқимизнинг буюк фарзандининг Ватан олдидаги чексиз хизматлари эътироф этилгани атоқли адиб М. Шайхзода ўз асарига сингдирган ғоявий ниятларига ҳам ҳамоҳангдир.

Шоир Ўзбекистонни чексиз севган, усиз ҳаётини асло тасаввур қилолмаган.

Олам ичра Ватанимнинг мисоли йўқ, тенги йўқ,
Бу табаррук гулистонни мен суймайин ким суйсин?

Санъаткорнинг бутун ижодида Ватанни мадҳ этиш, уни кўз қорачиғидай асрашга даъват бор. Бу мавзу, айниқса, адибнинг «Жалолиддин Мангуберди» трагедиясида яққол кўзга ташланади.

Ғап шундаки, Хоразм юртига Чингизхон қўшинлари ҳужум қилиб бостириб кела бошлайди. Вазият оғир, душман юртни вайрон этмоқчи. Асарда масала шу тарзда қўйилади, бутун воқеалар жараёнида ким ҳақ, ким ноҳақлиги бадиий юксак шаклда очиб берилади. Ҳақиқатнинг рўёбга чиққанлиги, адолатли курашнинг ғалабага олиб бормаганининг сабаблари бирин-кетин очиб берилади.

Буни муаллиф асар бошидан, яъни Чингизхон ҳужумига муносабат билдиришдан бошлайди. Кучлар иккига бўлинади, зиддиятлар кучаяди, ларокандалик, ўзбошимчалик, тарқоқликка йўл очилади. Жалолиддин қайси томонда бўлиши керак? Бу муаммо уни алам ва ғазаб ўтида қовуради. Чунки бир томонда бузруқвори, мамлакатнинг шоҳи Султон Муҳаммад Аловуддин, иккинчи томонда эса Ватан қисмати. Ахир, унга ҳам ота, ҳам юрт азиз-ку! Қаҳрамоннинг олижаноблиги, ибратли томони шундаки, у шахсий ҳаловатдан, ҳатто валиаҳдликдан кечиб, мамлакат мустақиллигини афзал кўради. «Ҳозир жангга кирмоқ ақлдан эмас», деб отасининг берган маслаҳатига ўғилнинг берган жавобига қулоқ тутайлик:

Бечора отам-чи фаҳми шунча кўр?
Билмаски шу билан тахтга қазир гўр...
Отами азиздир ёки салтанат?
Кўп оғир масала... Куфрдир албат —
Отага қарши кўтармак исён...
Бу гал ўхшамайди отага ўғил,
Мулк аҳли мўғулга сира бўлмас қул.

Жалолиддиннинг қуйидаги доно сўзларида унинг ички дунёси, борлиги очилган:

Эл-ўлка соғ бўлсин, тож келиб-кетар.

Фарзанд ўзининг бутун ҳаёти, орзу-умидини эл-юрт осойишталиги, фаровонлиги учун қаратган бўлса, ота ўғилнинг ҳаққоний, инсонпарварлик ишига тўғаноқ бўлади. Бу ҳол чуқур фалсафий фикр билан изоҳланади:

Бировнинг давлатин оларкан худо,
Даставвал ақлидан қилади жудо.

Илғор кучларни мағлубиятга олиб борган сабабларидан бири қўшинлар орасидаги аҳилликнинг дарз кетишидир. Жалолиддиннинг кейинги жанги олдида амирлар Музаффар, Аъзам, Ағроқлар тушган ўлжаларни талашиб, ораларида низо чиқиб, ўз қўшинлари билан тарқаб кетадилар. Жалолиддиннинг катта кучдан ажраб қолиши уни азоб-уқубатлар гирдобига ташлайди.

Шундай катта йўқотишларга, сотқинликларга қарамай, Жалолиддиннинг қудратли Чингизхон қўшинини ларзага солиб, довдиратиб қўйишининг боиси нимада? Бу саволга ҳам М. Шайхзода бадиий шаклда, ҳаққоний далиллар билан жавоб берган. Буни, биринчидан, Жалолиддиннинг саркардалик санъатида, деб билади. Асардан маълум бўладики, Жалолиддин кучларни тўғри тақсимлаб, муҳим жойларга қўйиб, ўрни-ўрнида фойдалана олган.

Ҳар қандай саркарданинг улуғлиги кичик қўшин билан кўп сонли қўшинни енга олиши ёки унга катта талофат етказишида кўринади. Жалолиддин кам қўшин билан душманнинг кучларига зарба бера олган, мард саркарда эди ва пьесада шундай кўрсатилди. Энг муҳим томони яна шундаки, Жалолиддин қўшинларни душманга қарши курашга илҳомлантира олган ва улар билан доим бирга бўлган. Урушдаги унинг бу мардлиги кўп вақт унга ғалаба олиб келган. Драматург буни тўғри илғайди ва Жалолиддиннинг айрим жанглардаги ғалабасини таъминлаган омиллардан яна бири қўмондонлик билан қаҳрамонликни қўшиб олиб борганлигида эканини очиб беради. Жалолиддиннинг жанг майдонларидаги маҳоратидан мўғулларнинг ўзлари ҳам лол қоладилар. Айниқса, у оти билан Синд дарёсига ўзини ташлаб, нариги қирғоқдан сузиб чиқиши душманни лол қолдирган, даҳшатга солган. Жалолиддиннинг замондоши тарихчи Насавий ўз китобида унга шундай таъриф беради: «У шерлар ичра шер, суворийлар аро энг довюрак (суворий) эди... адолатни севарди». Жалолиддинни асарда худди шу йўсинда кўрамиз.

М. Шайхзода ижодида муҳим бўлган масалалардан яна бири, мангулик мавзусини кўтариш, тасдиқлаш ва ҳар томонлама тарғиб қилиш. Бу мавзу драмага ҳам кенг кўлам бағишлаган. Асарда гарчи Жалолиддин мағлубиятга учраса ҳам, Ватани учун жон фидо қилган саркарда, буюк инсон сифатида абадий яшайди, деган ғоя олдинга сурилади.

Мангуликдан жой олган яшар абадий,
Мен-ку, Мангубердиман, олам билади,
Кўкларданми, сувданми, ё ер тагидан,
Балки саҳро бағридан, тоғ этагидан,
Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўмилмас ғурбатда, гўрда.
Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал,
Ким юртдан ёвни қувса мендирман ўшал.

Бу ғоя қаҳрамонлар томонидан ҳам изҳор этилиб, абадийлик яна ҳам мустаҳкамланади: «Жалолиддин ўлмас дунёда». Демак, асарда замонавийлик, абадийлик, ёрқин аксини топган. Ботирларнинг абадий яшашини таъкидлаш орқали, кимки ватан учун курашиб, босқинчиларни қувса, ўша ерда ўтмишда ўтган ватанпарварлар намоён бўлиши қайд қилинади.

М. Шайхзоданинг бадиий кашфиётларини тўла оқлаш мумкин. Шоир Ватан фарзанди эканини, унга астойдил хизмат қилганлигини, халқнинг адолатли курашига тарихни маҳорат билан уйғунлаштирганлигини исбот қилган.

Яна шу нарсани айтиш керакки, муаллиф Жалолиддиннинг улуғворлигини, замонининг энг илғор кишиси эканини очиб берган. Адиб тарихий воқеаларни бадиий ҳақиқатга, тарихий шахсни бадиий қаҳрамонга моҳирлик билан айлантирган. Лекин драматург ўтмишнинг асл маъносини ва йўналишини шахсларнинг туб моҳиятларини ўзгартириб юбормай, тарихга содиқ қолган. Маълумки, асарда воқеалар XIII асрнинг биринчи ярмида ўтади, яна ҳам аниқроғи, 1221 йилгача бўлган кураш қаламга олинган. Тарихдан аёнки, Жалолиддин 1227 йилгача мўғуллар билан жанг олиб борган ва 1231 йили ҳалок бўлган. Саркарданинг ўлими ҳақида турли манбаларда ҳар хил талқинлар бор. Бир ерда у курд қароқчиларининг қўлида ҳалок бўлди дейилса, бошқа манбада тоғда ов пайтида фожиага учради, дейилган. Яна бир манбада эса, Жалолиддин мўғуллар билан бўлган қаттиқ жангда қурбон бўлганлиги хабар қилинади. Бу маълумотлар драматургни қийин аҳволга солиб қўймадими? У бош қаҳрамоннинг тақдирини асарда қандай ҳал қилган? Асарда бирдан-бир тўғри ечим топилган. Воқеа 1221 йил билан тугаши назарга олиниб, асар шундай якунланади.

«ЖАЛОЛИДДИН:
Эшит, халқ ҳам у қуйдай, мангу пойдор.
Биласанми, биз қайтар кунда у мақом
Йўлимизни белгилар у кунга салом».

Найнинг узоқдан чалинаётган садоси ва мўғулларнинг кучайиб турган нидоси асосида иккаласи (сингласи билан — Ҳ. А.) жарга тушиб кетади». Бу финалда бир томондан мағлубият сезилиб турса, иккинчи томондан келажакка оптимистик руҳ уфуриб туради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, етакчи қаҳрамонлар асарда тарихдагидек ўз аксини топган. Хоразмшоҳ ҳам, Темур Малик ҳам, Насавий, Онаси, Султонбегим ҳам, шунингдек, Чингизхон ҳам ўзларининг тарихий қиёфалари билан бадиий шаклда асарда намоён бўладилар. Шу билан бирга Элборс паҳлавон каби халқдан чиққан тўқима образларда ҳам тарихийликдан чекинилмаган. Тўғри, асарда Темур Малик ўлдириб юборилиб, Жалолиддиннинг қайғу-аламлари, изтироблари очиб берилади. Аслида эса Темур Малик Жалолиддин вафотидан 19 йил кейин оламдан ўтади. Ҳа, бадиий асарда ҳодисаларни бир даврдан иккинчисига суришга муаллифга ҳуқуқ берилади. Бу билан М. Шайхзода драматизмни, воқеалар кескинлигини оширган. Бош қаҳрамоннинг ички изтироблари кучайтиришга эришади, бадиий ниятига етади.

Драматург эл-юртга бўлган муҳаббатни она меҳри билан чамбарчас боғлайди. Онанинг ишончини оқлай десанг, Ватанингни ҳимоя қил, унинг шон-шуҳрати, мустақиллигини сақлаш учун қалқон бўл. Бу даъват ҳам унинг ватанига содиқлигини, мустақилликни сақлаш йўлида ҳар қандай курашга шай эканини, ҳатто ўлимдан ҳам қайтмаслигини яққол исбот қилиб турибди.

Эрксеварлар ҳақида гап кетганда Султонбегим, Элборс паҳлавон, тарихчи Насавий, Она, Имомлар бўй- бастлари билан кўз ўнгимизда намоён бўладилар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос.

Султонбегим ҳаётининг бутун мазмунини кўз очиб кўрган севгилиси амир Бадриддинда деб билади. Ўзининг тақдирини ҳам, қувончини ҳам ёрининг тақдири билан пайванд бўлиб кетган, деб ўйлайди ва шунга амал қилади. Ўз бахтига амир Бадриддин орқали эришганлиги учун уни жондан азиз кўради, доим бирга бўлишни орзу қилади. Ўртага Ватан муаммоси тушадию булоқ сувидай тоза туйғулар чилпарчин бўлади. Улкан муҳаббатли инсонлар икки бир-бирига зид томонларга ажраб кетади. Ғап шундаки, Ватан тақдири қил устида турганида Султонбегим юрти билан бирга қолади. Эри эса унга хиёнат қилади, ёвнинг малайига айланиб, дўстларини сотди. Хоинга ёрининг чиқарган ҳукми халқ ҳукмидай янграйди:

У ишқидан айниди, айнидим ундан,
Унинг юзин унутдим мен ўша кундан!

Султонбегимнинг босқинчиларга ғазаби уни фаол, мард курашчига айлантириб юборди. Тарихий маълумотларга қараганда, душманга қарши курашда жуда кўп аёллар жонбозлик билан жанг қилганлар. Булардан бири тарихий шахс Султонбегимдир. У Жалолиддиннинг синглиси бўлиб, кўпинча акаси билан ёнма-ён туриб, қўлига қурол олиб жасурлик намуналарини кўрсатган. Драмада ҳам худди шундай шахс-қаҳрамонни кўрамиз. Фарқи шундаки, муаллиф тарихий шахсни янада ёрқинроқ қилиб кўрсатган.

Трагедияда яна бир жиддий масала кўтарилган. У ҳам бўлса мамлакат тақдири ва дин, руҳонийларнинг унга муносабати. М. Шайхзода катта жасорат билан қатағон даврида ислом намояндасининг ижобий фазилатларини очиб беради. Чунончи, имом софдил, ҳалол, пок, иймони мустаҳкам, виждонли, иродаси бақувват инсон. Унинг бу олижаноб сифатлари эл-юртини кўз қорачиғидай ҳимоя қилишга, ёвга қарши мардона курашишга даъват этилган. Адолатли курашда у қурбон бўлади. Имом ўзига хос образ.

М. Шайхзоданинг катта ижодий кашфиёти Элборс образи билан боғлиқдир. Драматург халқдаги кўп фазилатларни йиғиб, оддий чўпон образида мужассамлаштиради. У жасорати, мардлиги туфайли юзлаб ғанимларни қиличдан ўтказади, мўғулларнинг додини беради, Жалолиддиннинг ишонган тоғига айланади.

Санъаткор яратган Чингизхон образи адабиётда мавжуд Наполеон, Пётр биринчи, Искандар Зулқарнайн каби образлар қаторидан жой олишга ҳақли. «Жалолиддин Мангуберди» драмасининг тили бой, халқона ибора ва афоризмлари билан безатилган. Мисолларга мурожаат қилайлик: «Киши туғилмайди бощда тож билан», «Эл-ўлка соғ бўлсин, тож келиб-кетар», «Бўри кирар, бўшанг бўлса албат посбон», «Вилоятни ким сақласа удир ҳукмрон», «Қўрқоқ ўлар ҳар лаҳза, мард фақат бир гал», «Номард ёвга ялинганлар киши эмас», «Тўғри гапга увол йўқ, ахир», «Хушомадгўйликда айтилган ёлғон — қўшнига хиёнат қилишдан ёмон». Трагедиянинг хусусиятлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин қисқа хулоса шундай: бу асар жаҳон тарихий драматургиясида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Баҳорни соғиндим... С.МАҲКАМОВ сурат - лавҳаси

Тарас Шевченко таваллудининг 185 йиллигига

КЕНГ ДАЛАЛАР КУЙЧИСИ

Шоирларнинг тақдири турли хил кечади. Айримлари узоқ умр кечиришади,баъзилари эса оз умр кўрсалар-да, бутун бир халқнинг тимсолига айланиб улгирадилар. Дунё халқлари адабиётлари тарихида бунга мисоллар талай. Украин халқининг суюкли шоири Тарас Григорьевич Шевченко 47 йил умр кўрди (1814—1861). Бироқ қисқа ҳаёти мобайнида улуғ шоир ўзидан унутилмас, буюк ижодий мерос қолдирди. Ўзининг ёрқин шеърларида Тарас Шевченко эрку озодликдан маҳрум этилган украин халқининг оғир қисматини ҳасрат билан куйлади, ўз халқи чеккан жабр-жафо шоирнинг шахсий дарду аламига айланди.

Т. Шевченко ёшлик йилларида Украина тарихи билан қаттиқ қизиқиб, она юртининг ўтмишини қунт билан ўрганди ва айни пайтда қадим Юнонистон тарихи, машҳур адиблар Валтер Скотт, Шекспир, Гёте ижодини ўзлаштирди. Шу йиллари дастлабки шеърларни ёза бошлади.

Шоирнинг шеърлари фақат мавзуларининг долзарблиги билангина эмас, балки гўзал украин тилининг бутун жозибаси ва сермаънолигини ўзида жам этгани билан ҳам қисқа муддатда халқ орасида кенг ёйилди. Агар улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўз ижоди билан ўзбек тили ва адабиётига асос солганини эсласак, Тарас Шевченконинг украин тили учун қилган хизматлари яна бир бор кўз ўнгимизда гавдаланади. Ҳар иккала аллома ўз замонларида ўз ижодлари билан она тилларидаги адабиётларининг буюк келажагига тамал тошини қўйиб кетган эдилар.

Т. Шевченко шоир бўлиши билан бирга уста мўйқалам соҳиби ҳам бўлган.Қамоқдан озод этилгач, 1860 йили у Петербург Бадиий академиясининг академиклигига сайланади. Шоир озодликка чиққандан сўнг уйланишни ният қилган, Украинага боришни орзу этган, қалби ижодий мақсад ва режаларга тўлиқ эди. Бироқ сургун ва қамоқлар Т. Шевченко соғлигига ўз таъсирини кўрсатган эди. У 1861 йил 10 март куни вафот этади.

Ўлсам менинг жасадим,
Украинага қўйилсин.
Қабрим у кенг даланинг
Энг ўртасида бўлсин —

деб ёзган эди украин халқининг буюк фарзанди Тарас Шевченко «Васият» шеърида. Оташин шоирнинг кудратли ва тирик сўзлари бугун мустақил Украина халқининг фахри, ғурури. XX аср охирида ўз мустақиллигига эришган Украина билан бир қаторда мустақил Ўзбекистонимиз халқлари, жумладан, юз минглаб ўзбекистонлик украинлар ҳам Тарас Шевченко номини юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар, шоир ижодини қадрлайдилар.

Геннадий НЕКЛЕССА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти ходими

ШУНДАЙ МАҚОЛАЛАР КЎПАЙСА...

Ҳурматли таҳририят!

Газетанинг ўтган сонида эълон қилинган «Ўғригина бола»нинг иззати» (ёхуд меҳр сеҳри) сарлавҳали мақолани мириқиб ўқидим, уни бисотимга олиб қўйдим. Мақола муаллифи — адабиётшунос олим Сувон Мели сал кам қирқ йил муқаддам яратилган ҳикоямизни фавқулодда ўзгача назар билан таҳлил қилибди. Мен атайин «ҳикоямиз» дедим, чунки ўзбек адабиёти намуналарига, ҳатто етук намуналарига беписанд кўз билан қараш иллати йўқ эмас, шундай пайтда бунинг сингари таҳлиллар ўқувчиларни ҳам адабиётимизга ҳайрат ила боқишга йўналтиради, ҳам адабий воқеликни янгича ўрганиш маданиятини оширади.

Чинакам бадиий асарнинг умри боқий бўлганидек, ҳар бир давр унга буткул янгича муносабатни шакллантираверади ҳам. Ғафур Ғуломиннинг «Ўғригина болам» ҳикояси ва Сувон Мелининг ушбу мақоласи фикримга яхши мисол бўла олади.

Назаримда, ҳикоя хусусидаги мулоҳазаларни бойитиш, давом эттириш мумкин, буни тадқиқотчи дўстимиз билса керак. Менинг адабиёт ва газетангиз бир мухлиси сифатида тилагим шу — ҳафталиқда бундай мақолалар тез-тез чиқиб турса...

Салом билан
Х. НАБИ

Ҳамро БОНУ

ЮРТИМ

Юртим, кўзларингга сурмо бўлойин,
Хино бўб, қўлингни дардин олойин,
Юрагингдан оққан қўшиғинг бўлиб,
Дунёнинг дилига умид солойин.

Асли меҳрим — дарё, симир, ташнасан,
Дилим — дунё, унда яшар улуғ шаён.
Эртанги иқболинг — фарзандим учун
Фидойи жонингман, онажон—Ватан.

Мафтунинг — оймомо тўлган кун бугун,
Қуксингда ғамтикон сўлган кун бугун,
Шодлиги рақс айлаб жилвалар билан,
Иқболинг — Истиқлол кулган кун бугун.

Ўғлим кўкси қалқон, чўнг тоғинг бўлар,
Сен чинор, авлодим япроғинг бўлар.
Руҳим осмонингни мунаввар этса,
Вужудим пойингда тупроғинг бўлар.

Унгача кўзингга сурмо эт мани,
Нигоҳингни равшан этиб туройин.

АСЛИМ ГЎЛДИР

Аслим гулдир.
Ўзга гулнинг ифорига зормасман,
Ўткинчи ноз-истиғнога зормасман,
Дунёда нима «оҳ» дегунча ўтар умрим,
Зебу зийнат пойгагида хормасман.

Озод юрт бағрида озоддир дилим,
Илоҳий покликка туташ манзилим,
Ўтган кунларимда ифорлар қолгай,
Изимдан унади райҳону гулим.

Бу гуллар макони чаман бўлади,
Юртим нур ёғилган ватан бўлади.
Оқил фарзандлари улғайса бир кун,
Ватаним жаннатдай маскан бўлади.

Дилим қувончини куйлар мастона
Қушиқларим гўзал, куйим — Шарқона.
Аслим гул, шунданми юзларим менинг
Юз очиб бормоқда атиргулона.

ОНАЖОН, СИЗ...

Онажон, сиз...
Ҳам отамсиз, ҳам онамсиз.
Кулиб турган кўзларимда ноламсиз,
Битта эркаласам мингта оламсиз.

Онажон, Сиз...
Қалқиб кетсам қаддим тутган қадамсиз.
Ярим ёмонимга бутун мотамсиз.
Қош уйиб қаҳрида суйган отамсиз,
Онажон, сиз отамсиз.
Дунёларга бергисиз бир қизим деб
Куёвларга бераман деб ёнасиз.
Ахир, бир кун ёр-ёрларнинг ортидан
Эшикларга суялиб жим қоласиз.

Онажон, сиз
Суялсангиз толиқиб.
Эшикларга раво кўрмай қизғониб
Елкалари куйиб кетган отамсиз.

Онажон, сиз...
Отам суйиб, мен суйиб.
Суёлмаган Худо суйган Онамсиз!

* * *

Миттигина
тўрт-беш ёшлигим
Ҳовлимизда қиқирлаб кулар,
Маҳзун кўзларимни уқалаб,
Сочларимдан тортқилаб ўйнар:
«Мухтасархон, ўйнамайсанми,
Вой, ким урди, йиғлаяпсанми?!»

Онам этагига юзларин
Яшириб хўп энтикиб сўйлар:
«Юр, кулчамиз ушатиб еймиз,
Ариқчада оқизоқ ўйнаб».

Тошлоқлардан тўптошларини
Ҳовучига тўлдириб келар.
Менинг зада кўнглимни Ҳаёт
Тошлар билан ўйнаро, ўйнар.

Отам аста қулоғим чўзар,
«Жўжаларга сув қуймабсан» деб.
Сарак-сарак қилиб бошини
Бобом қўяр соқолин силаб.

Дўппим тўла ёнғоғу майиз
Бувижоним кўчадан излар:
«Мухтасар-ув, қайларда қолдинг,
Айтворинглар, ҳей, ширин
қизлар».

Айтворайми, айтворайми деб
Юрагимда тўлғанар ҳислар.
Эшигини топа олмасдан

МУХТАСАР

Тўрт тарафдан йиғларман излаб:

—Мухтасар-ув, ўша жаннати
Чоғларимга бошламайсанми.
Мухтасархон, ўйнамайсанми,
Мухтасархон, ўйнамайсанми?...

* * *

Кетгаймисан,
Бойчиборим, кетгаймисан.
Шамолдан тез етгаймисан, Бойчиборим.
Мен етмаган томонларга рўмолимни
Берсам олиб кетгаймисан, Бойчиборим.
Мен қандайин наво бўлдим тингламаса,
Ул қандай бедаво бўлди англамаса.
Чағир ўйлар ичра токай қоқилгаймен,
Майли, ҳечам бормагаймен хоҳламаса,
Энди ҳечам бормагаймен хоҳламаса...
Қамишларга яширгайман тушларимни,
Айтса шамол олиб кетар йиғлаб-йиғлаб.
Қудуқларга кўмдим сирим-ҳушларимни,
Харсангтошлар ёрилгайдир ахир—чатнаб.
Бойчиборим...
Чин Мочинга қадар кетгил гар чин
кетсанг,
Зотингни айт, туёғинг юлдуз эмасми.
Ростингни айт, мен чиройли қиз эмасми,
Севармиди Барчин эсам, Барчин эсам...
Бойчиборим, хуш бор, энди кетгаймисан,
Рўмолимга жоним ўраб элтгаймисан.
Бойбўрининг ўғлига айт саломимни,
Мени олиб кетармиди Барчин эсам,
Мени олиб кетармиди Барчин эсам...

Басира САЙЙИД АЛИ

ЯШАШДАН ЧАРЧАМА...

Дўст бўла олмадим ўтган кун билан,
Ғанимдек хўшлашдим дилда ғам билан,
Суроқлаб қалбимдан жавоб топмадим —
Мен уни кузатдим, айтгин не билан?!...

Кўнглим аламларга қиларкан тоқат,
Кўринмас оғриқлар бағрим тилади.
Ёлғизлик билан дўст бўлганим бир пайт,
Унутган дўстларим йўқлаб келади.

Эшитганмисан ҳеч дардсиз кўнгилни,
Бахти бекам одам асли бўлмаган!
Чарчатса бедардлик чарчатар дилни,
Яшашдан, кутишдан чарчама ҳеч ҳам!

Шоирга

Тушуна олмасанг не қилай ахир,
Жоҳил деб айтганим мағрур кўнглимни.
Айт, Аллоҳдан яна не тилай охир —
Қуёшдек ёритдинг тундек умримни.

Севгимни алдай деб алдай олмадим,
Ишқим ҳасрати-ла кунда сирлашдим.
Олдингга ўтмадим, ортда қолмадим,
Изингдан кетяпман сенга эргашиб.

Кунда сувратингга айтганим — юрак —
Сўзларим ўзингга айтолмай куйсам...
Ишон! Сирдошим йўқ ўзингдан бўлак,
Мен ойдек сарғайсам, бағримни ўйсам...

Сен барибир муқаддассан, Муқаддас Аёл...

Муҳайё МИРСАИДОВА

КЎКЛАМ ҲАВОСИГА ЎХШАР АЁЛЛАР

Ҳайрат кўпригида ажиб бир эпкин,
Шаббода ўтади ҳаёлдек ғиз-ғиз.
Бу маконда фақат одамзот эркин,
Мўъжизанинг ўзи шу нилий денгиз.

Мангу лаҳзаларга қурилган ҳайкал,
Тоғлар чўққисида ҳамон турар қор.
Табиат — мусаввир берганми сайқал,
Манзарадан бир зум кўз узмоқ душвор.

Жаннат тавсифини ўқиб китобда,
Орзуманд бўламиз, деймиз «Қандай бахт».
Жаннат шу ердадир, айни шу тобда,
Тоғларга чиқишга топмасмиз фурсат.

Ҳайрат кўпригида ажиб бир эпкин.

ШОИРАБОНУ

СУРХОНДА СУРНАЙЛАР ЧАЛИНДИ

Сурхонда сурнайлар чалинди,
Уланлар айтилди Сурхонда.
Севгимиз кўз бўлиб ялинди,
Орзулар қовушди армонга.

Сурхонда сурнайлар чалинди,
Чимилдиқ чодири илинди.
Етти қат қасамга ўралган
Садоқат, юзларинг тилинди.

Сурхонда сурнайлар чалинди,
Дилсизлар дилимдан ор қилди.
Навниҳол ғунчани синдириб,
Ёр қилди, зор қилди, хор қилди,

Сурхонда сурнайлар чалинди,
Дунёга нур бер, деб кеб эдим.
Осмонни ортимга қолдириб,
Юлдузни бер менга, деб эдим.

Сурхонда сурнайлар чалинди,
Сурнай, эй, сабримни толдирма.
Куйингдан юрагим олинди,
Дунёдан кўнглимни қолдирма.

Сурхонда сурнайлар чалинди...

* * *

Хазондарахт суради ўй,
Япроқлари соғинчларим.
Оқ осмонда қилади тўй
Ўн саккизта оққушларим.

Қадам қўйиб меҳмонларим
Эрам отлиғ қаватларга,
Камалакранг гул сочдилар
Сиз сочмаган саватларга.

Билармиди дунёйингиз
Кўзингизга шайдолигим.
Бир жон учун сўрасалар,
Минг жонга ҳам фидолигим.

Тупроқларни балки ўпсам,
Равон бўлгай йўлларимиз.
Қирғоқларда қолиб кетмас,
Алвон-алвон гулларимиз.

Келингиз бир кулбамизга,
Йўқса кўнгил зор қолади.
Келинг бегим, келинг тезроқ,
Ўзга беклар ёр қилади.

Ёт дунёга ёр-ёр бўлсак,
Мушкул эрур топмоғингиз.
Унда сизга оғир бўлгай
Кўзларимни ёпмоғингиз...

Инобат КЎЧҚОРОВА

БАҲОРНИ КУТГАНДЕК БОЙЧЕЧАК

«Тикилиб-тикилиб қарагим келар,
Малол келмасин деб қўрқаман аммо,
Сенинг соғинчларинг қалбимни силар,
Сенинг соғинчларинг, азизам, танҳо».

Сиз шундай аяблар ташлайсиз нигоҳ,
Билмайсиз, бу нигоҳ жон қадар азиз,
Ташна дилга нурли жаҳондирки гоҳ,
Кўнгил қатларида умиддек лазиз.

Ёнма-ён яшаймиз, ҳижрондан куйиб,
Висолга бир қадам, аммо, етмаймиз.
Бойчечак баҳорни кутгандек суйиб,
Ишқ тоқида наҳот сайр этмаймиз.

Ягонам, ҳаётни муаттар айлаб,
Дилимга дунёни олиб кирдингиз.
Сиз — менинг қуёшим, дилгинам
сайлаб,
Ягона айлаган ёлғиз шоҳим — Сиз.

Тикилиб-тикилиб ташлангиз нигоҳ,
Бир сирли синоат дилга эврилар.
Билсангиз, ўтли нигоҳингиздан оҳ,
Армонли юракка умид йўғрилар.

* * *

Танҳо кезган ойнинг нурини,
Чанқоқлик-ла сипқорган кеча.
Эрка ҳисларимга ташлаб тўрини,
Бедор тонг отади неча ва неча.

Сўзларим бўғзимда, киприк узра ёш,
Ҳижрон дарди ила тўлғонади дил.
Висолнинг бекати қақроқ сабртош,
Бир ёруғ васлни истайди кўнгил.

Қароқларим макон айлаган бегим,
Менинг хаёлларим гадодир нигун.
Тегмасин тикилган нигоҳлар илги,
Соғинган кўзларим адодир бугун.

Соғинч ...

Ё.Хўжамбердиев сурат лавҳаси

Жамила ЭРГАШЕВА

МУНАВВАР ДУНЁ

Бу дунёга ёлғиз келадилар, ёлғиз кетадилар. Кўкда ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳ ёлғиз, ўн саккиз минг оламга сиғмаган ҳар мавжудот ўзича ёлғиз. Само маликаси Ой Ой бўлса-да, ўз нурлари бирла дунёни мунаввар этгувчи Офтоб Офтоб бўлса-да, ёлғиз.

Дўстим, шундай қўл узатса бас, кафтига юлдузлар қўнади, ҳар босган қадамидан ташаккур гуллари унади, неча жонлар битта ишораси учун жон бермоққа тайёр, ҳеч қачон ёлғиз юрмайди, юролмайди, ёлғиз юргани қўймайдилар, уйининг ичи-таши қандай билмадим-у, аммо истаса итининг ялоғини ҳам тиллодан ясаб беришлари аниқ.

Мен чеккадаги одам, холис кўз — кўриб турибман, у ниҳоятда ёлғиз. Ёлғизлигини ўзи ҳам яхши англаса керак, кундан кунга ёнаётган шамдек чўкиб, кичрайиб бораётир.

Аллоҳдан ўзга ҳар не мавжудот бўлишгувчи дўсти ҳамдам, жуфти ҳалол излайди. Ўзларидаги бу интилишни «Ёлғизлик фақат Аллоҳга ярашади» дея Яратганнинг иродаси билан боғлайдилар. Эҳтимол, оламнинг энг улуғ саркотиби Аллоҳ таолло ростдан ҳам бандаларимизнинг бир-бирларига бўлган қизиқишлари абадул абад сўнмасин, қовушиб, ўзларидан наслу насаб қолдирсин, кўпайсин, деб эркак ва аёл қилиб яратгандир.

Яна билмадим, Аллоҳнинг ўзи билгувчироқдир. Биз бандалар Яратганнинг кашфиётлари қаршисида гўё қизиқувчан гўдаклардекмиз. Ҳар бир нарса кўзимизга савол бўлиб кўринаверади. Қисқагина умр ўша саволларга жавоб излаб ўтади ва ҳар сафар топилган жавоб, нолга кўпайтирилган рақамдек, яна саволга айланиб тураверади.

Ёлғизлик оғир юк... Бир жойлардан кўнглинг қавариб уйга қайтганингда чирогингни ёқиб ўтирган кимдир «яхши келдингми?» дея эшикни очса...

«Одамнинг дардини одам олади». Бу гапни мен айтганим йўқ.

«Уйингда, ҳеч бўлмаса, талашиб-тортишувчи бир одаминг бўлсин. Ёлғизлик жуда ёмон!» дер эди ёлғизгина ўғли сувга оқиб ўлгач, ичувчи эр билан ёлғиз қолган бир танишим.

Унга жуда раҳмим келарди (Худонинг қаҳри келмасин). Бандасининг Аллоҳ таолло иродасига кўнмоқдан ўзга чораси йўқлигини, шундай қилса, ўзига ҳам, шаҳид кетган фарзандига ҳам, Аллоҳга ҳам маъқул бўлишини тушунтириб, ҳолдан тойдим, илло, ҳеч қандай натижага эришмадим.

У менинг куйиб-ёниб айтган гапларимни эшитиб-эшитиб, яна йиғи бошлар эди: «Сен қайдан ҳам билар эдинг, ёлғизлик қанчалик оғир эканлигини? Уй ютиб юборгандек ҳам у ёлғиз эди.

Дўст, дўстлик, ёлғизлик ҳақида маълум тушунчага эга эди, кўнгли бир дўсти жонфидо истар, аммо дўст танлашга қўрқар эди. Билади, одам оласи ичида. Тағин Хизр деб тутганинг...

Бу феъли билан буткул ёлғиз қолиб кетиши аниқ эди, агар уни танлаб олишмаганда...

Дўсти кўп ширинсухан, шоирзабон эди. Уни меҳр тўла каломларга, мақтовли суханларга кўмиб ташлади. Унинг бироз боши айланди, у сархуш эди, бахтиёр эди. «Дўст деганлари яхшида, дарду қувончингга шерик. Унинг-ку ташвиши ҳам йўқ эди аслида. Юрагинг қувончларга тор келиб қолган дам ким биландир бўлиша олсанг, шу ҳам катта бахт-да».

Дўсти бироз омадсиз экан. У дўст бўлиб, ғамларини бирга кемирди, дардларини бирга симирди. Ёнида олиб юрди, улуғ даврлардан жой олиб берди. Бир сафар катта бир даврада ҳамиша чап ёнида ўтирадиган дўсти ўнг томонига, ундан юқорига чиқиб ўтирди. Бу ҳам етмагандай, унинг юзига ёқ қўйиб, арзимаган сўз учун уни қайириб ташлади. Шу ерда кимдир эс бўлди: «Агар ўртада бурун бўлмаса, бир кўз иккинчисини ўйиб, еб қўярмиш. Сизлар-ку, ота-онаси ҳам, манфаати ҳам бўлак-бўлак дўстларсиз».

У азалдан ёлғизликни хуш кўрарди. Бемаслак манзилдан қайтгандай индамай изига қайтди. Йўлда қулоқларига қаландарларнинг «Ё Аллоҳ-у, ё Аллоҳ, Ҳақ дўст, ё Аллоҳ» деган хиргойиси эшитилгандай бўлди. Ҳайрон бўлди. Фақат киноленталардагина эшитган бу қўшиқни эстрада оҳанглари урф бўлган бугунги замонда ким айтаётган экан? Қизиқсиниб атрофга разм солди, ҳеч ким йўқ, аммо бутун вужудини ларзага солиб таниш сўзлар халқона оҳанг бирла қуйилиб келарди: «Ё Аллоҳ-у, ё Аллоҳ, Ҳақ дўст, ё Аллоҳ».

У ҳозир жуда катта одам. Атрофида дўсти-бирадарлари бисёр. Дарвоқе, аввал елкасига оёқ қўйиб, чўққига чиқиб олгач, қўл бериш ўрнига тепиб юборган «дўсти» ҳам доим ёнида. Ёнида қиёмини келтириб лаганбардорлик қилаётган кишиларни эшитгиси келмайди, эшита олмайди. Кўнглида бир қаландар қўшиқ айтади: «Ё Аллоҳ-у, ё Аллоҳ. Ҳақ дўст, ё Аллоҳ».

Бу дунёга ёлғиз келадилар, ёлғиз кетадилар. Аввал онам дейсиз, сўнг болам дейсиз, оғам-эгачим дейсиз, дўстим-бирадарим дейсиз, меҳр олиб, меҳр улашасиз. Шоир айтмиш, «Меҳр бу суннатдир, меҳр бу фарздир». Аммо чин дўст Аллоҳдир, Аллоҳнинг меҳридан ўзга беминнат меҳр ҳам йўқдир.

ЖАҲОНДА АЁЛ БОРКИ!...

Суратдан жозибали табассуми билан менга боқиб турган қизга қараб шуларни ҳаёлимдан ўтказдим...

Ҳаётимизнинг фарахбахш онлари ҳам, қувончли дақиқалари ҳам аёл биландир. Қалбингизга ором берувчи аёл ҳамиша ёнингизда севинчингизга самимий шерик, дардингизга малҳам. Аёл — муҳаббат, иффат ва ҳаё тимсоли!

Баҳор янгилик, яшариш фасли. Жамики гўзалликлар мана шу фаслга хосдир. Биргина эрта баҳорда ўрикнинг гуллашида қанча гўзаллик, қувонч бор! Бундай пайтларда ижодкорнинг илҳомидан гўзал сатрлар тўкила бошлайди. Мавзу эса — муҳаббат! Халқда бу фаслни «фасллар маликаси» деб аталиши балким шундандир. Умуман, жамики гўзалликка тимсол этиб Аёл яратилгани бежиз эмас. Зеро, Аёл ҳақиқий гўзаллик маъбудасидир. Дунёнинг барча аёллари гўзал, аммо барчасидан гўзали ўзбек аёлидир: ундаги иффат, ҳаё, ибо каби қалб гўзалликларининг ўзи бир дунё.

Аёл учун, айниқса, ўзбек аёли учун энг гўзал байрам, бу албатта, унинг оиласидаги тинчлик, ҳаётининг фаровонлигидир. Давлатимизнинг бу борада олиб бораётган одилона сиёсати юксак қадр-кимматга молик. Бутун бир йил севимли аёлларимиз учун туҳфа қилинди. Дунёни гўзаллик қутқаради, деган экан бир донишманд. Бизда эса ана шу гўзалликни асрашга катта эътибор берилмоқда.

ҲУСНИДДИН

РАССОМ КЎПРОҚ ҚАЛБГА ҚУЛОҚ СОЛАДИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Қодирий номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев Францияда ўтган ижодий сафаридан қайтди. Шу сабаб ва сўнгги йилларда республика маҳобатли рангтасвир санъатида вужудга келган муаммолар ҳақида у билан суҳбатлашдик.

— Шарқ ва Ғарб хусусида тўхталар эканмиз, аввало Анри Матиснинг шарқ билан қизиқиши ва шу хусусда айтган дангал гапларини эслаш ўринли: «Менинг энг улуғ устозларимдан биринчиси Камолиддин Беҳзод». Ўша пайтда у Беҳзоднинг йигирмага яқин оригинал композицияларини ўз кўзи билан кўриб ларзага келган.

— Франция таассуротлари ҳақида ўйлаганда дастлаб менда ҳам худди сиз айтганга ўхшаш хаёллар кечди. Қизиғи шундаки, буюмларда, дарахтларда, бинонинг бўғотлари соясида ўта тоза рангларни кўра бошладим. Бунинг устига турли рангларга бўялган уйлар (иккита бир хил уй йўқ), уларнинг сувдаги акслари, жилваланишлари, ранг-дорликда камертон вазифасини бажарувчи яхталарнинг оппоқ елканлари, мунтазам равишда ҳавонинг очиклиги — буларнинг барчаси табиатни рангин дунёга айлантириб юборган. Рангларни кўриш қобилиятини қитиқловчи воситалар экан бу ҳолатлар.

Умуман, Франция колоритни, рангни сезган рассом учун қалбни жўштирадиган жой. У ерда фовизм бекорга пайдо бўлмаган экан. Кейин фовизм услуби ила рангни янада қўрқмасдан кучайтириб олиш хусусияти пайдо бўлди. У ерда шакл ва ранг мазмуни бошқа жойларга нисбатан анча кучли. Табиат ўзи хилма-хиллигидан ташқари, инсон томонидан янада бойитилган. Хусусан, боғ-сайлгоҳлар архитектураси мавжуд. Боғлардаги маҳобатли гулдонлар, устунлар, ҳайкаллар, декоратив қурилмалар шулар жумласидандир. Буларнинг ўзагини эса, сиз яхши биласизки, дастгоҳли рангтасвир ташкил этади. Машҳур рассом Ю. Пименов: «Дастгоҳли рангтасвир тасвирий санъатнинг отаси», деган эди. Мен ҳам дастгоҳли рангтасвир табиатидан бир мунча хабардор бўлганим учун ҳаётимда тасвирий санъатнинг деярли барча турларида ижод қилишга тўғри келди ва билимим қўл келди.

— Мумкин бўлса, шу ҳақда кенгроқ тўхталсангиз?

— Тасвирий санъат табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, рангтасвир бирламчи, тасвирий санъатнинг барча турлари дастгоҳли рангтасвирдан келиб чиққан.

Том маънода эса тасвирий санъат турларини кескин равишда бир-бири билан аралаштириб бўлмайди. Барчасини бир-биридан ажратиб турадиган нарса ҳар бирининг ўзига хос табиатидир. Масалан, миниатюра китобот санъатига, деворий сурат маҳобатли рангтасвирга дахлдор. Буларнинг ўрнини кескин алмаштириб бўлмайди. Тасвирий санъат турлари бир-бирига ижобий таъсир этиши мумкин. Масалан, Чингиз Аҳмаровнинг бирорта деворий суратини миниатюра деб айтолмаймиз, устоз миниатюра санъати қонун-қоидаларини билган ҳолда, уни деворий санъатга омухта қилолган. Чингиз аканинг улуғлиги ҳам шунда. У киши миниатюрани кўр-кўрона деворга кўчирмаган. Баҳодир Жалолов ижодида ҳам шу ижодий йўналиш бор. Жавлон Умарбековдаям. Ҳозир баъзи ёш рассомлар тасвирий санъат борасида билими сустлигидан миниатюрани тўғридан-тўғри деворларга кўчириш ҳоллари пайдо бўляпти. Энг ачинарлиси, зиёлиларимиз, айниқса, ёзувчи, шоир, журналистлар бу негатив ҳолни санъатимиздаги миллийлик байроғи билан оқлашмоқда. Бундан ҳам ёмони улар танқидни тан олишмайди, бирдан-бир тўғри йўлдамиз, деб даъво қилишади.

Миллий тасвирий санъатимиз ривожида танқидга ўрин бўлиши керак. Бир-бирини мақташ, кўрса ҳам кўрмасликка олиш, тилёғламалик, ҳамду санолар ўқиш ҳамма вақт ҳам яхши натижага олиб келавермайди. Миниатюрани холстга, рамкага солиб кўрсатишни ҳаваскорлик, билимсизлик деб қараш керак. Гап бу борада принципиал тасвирий санъат ҳақида кетаяпти, тасвирий санъат тарихига енгил-елпи қарамаслик керак.

Деворий суратнинг табиати ўзгача. Битта деворда битта масштабли фигура бўлиши мумкин. Ёнида беш ҳисса катта фигура бўлиши мумкин. Энди биз анъанавий китобот санъатига дахлдор миниатюрани деворга ёпиштирсак-да, яна миллийлик ҳақида гапирсак, қандай бўлади?

Витражда ранглар умумлашма, яхлит-яхлит жарангдорлик ҳолати бўлиб, бу ўзига хосликни намоён этиб туради. Миниатюра эса қўлга олиб томоша қиладиган санъат. Витраж деворга ишланади, уни қўлга олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам миниатюрани қалб кўридан ўтказиб, фикрлаб, витражга тадбиқ қилиш мумкин, тўғридан тўғри эмас. Чунки витражда майда нарсаларни ишлаб бўлмайди. У турли масофадан ва ракурсдан қарашга, томоша қилишга мўлжалланган.

— Бугун бизнес асри, ҳар бир соҳада бўлгани каби тасвирий санъатда ҳам сезиладиган бу ҳол. Чет элда бу соҳага бизнес аллақачон кириб келган. Улар биздаги ижодий кучларнинг нималарга қодирлигини яхши биладилар. Шу сабабли турли йўллар билан ижодкорларимизни ўз бизнес дунёларига тортишга ҳаракат қилмоқдалар. Алишер, сиз ҳам Францияда бўлганингизда шундай ҳолат кечди чамаси?

— Ҳа, мен у ерда шартнома бўйича ўндан ортиқ композицион картиналар яратиб, мезбонга изланишларимни қолдириб келдим.

Француз санъатига, хусусан, Матисс, Пикассо, Дерен, Марке, Боннарлар санъатига азалдан қизиқишимни биласиз. Улар ижод қилган жойларни ўз кўзим билан кўриб, улкан рассомларга ижодий манба бўлолган гўзал табиатдан таъсирланиб сурат чизмасликнинг иложи йўқлигини қалбан ҳис қилдим. Шунинг учун ҳозир бу ерда ҳам Франция таассуротлари асосида катта туркум устида иш олиб борямман. Бу туркум ўз ичига турли жанрлардаги 20-25 асарни қамраб олади.

Санъатнинг асл мақсади ҳам табиатдан, кишилардан илҳомланган ҳолда ўз поэтик рангин дунёсини кашф этишдир. Баъзи рассомлар кўрган-кечирганларини тўғридан-тўғри ифодалаш билан кифояланадилар. Баъзилар эса кўрган-кечирганлари билан боғлиқ эртак, ривоят, афсоналарни ўрганадилар, эшитган-билганларидан фалсафий мушоҳадалар чиқаришга ҳаракат қиладилар. Шу кунларда Голландияда ижод қилиб юрган Ҳакимжон Турдиев ижодида мен шу каби ҳолатларни кўрдим. Сўқоқ сафарида дўстлари ҳар куни фақат манзара чизиш билан машғул бўлиб юрган пайтларида бу рассом 5-10 кун ҳеч нарса чизмасдан, мушоҳадалар оғушида юрди. Ва кейинчалик ер, коинот, абадийлик, ўткинчи дунё мавзулари билан боғлиқ бир неча мукаммал асарлар яратди. Каминада ҳам Сўқоқ замини билан боғлиқ фақат севишганлар образига тааллуқли бир неча ўнлаб асарлар мавжуд.

— Кузатишимча, сиз табиатдан илҳом олиб, тўлқинланиб, ундан олган таассуротларингизни образли ифода этувчи рассомсиз, табиатга пассив муносабат, натурани астасекин «кўчириш»дан йироқсиз. Тўғри, табиатдан, натурадан бевосита ишлайсиз, лекин шу тўқнашувдан олган ички туғённи, агар ҳақиқатан у сизни тўлқинлантирса, умумлашиб, қайта ишлаб, бор эҳтиросингизни тўкиб соласиз.

Демоқчимизки, асар ишлаган пайтда рассомдаги бутун ички ва ташқи ҳиссий ҳолат кучли ҳаяжон билан асарга ўтиши томошабинга ҳам таъсир этиб, уни шу ҳисҳаяжон оғушига тортади...

— Рассомнинг эмоционал ҳолати ҳақида гапирадиган бўлсак, табиатдан таъсирланган рассом ижоди борича шу ҳолатини матога кўчиришга ҳаракат қилади. Ёки шакл нуқтаи назаридан табиатда кузатган экспрессив вазиятни чизгилар орқали ички туғён билан бир неча баравар кучайтирган ҳолда қалам орқали матога ўтказади. Рассомнинг эмоционал табиати қачналик кучли бўлса ва бу ҳолатни матога худди шу тарзда кўчира олса, асарга кўчган рассом ҳаяжони томошабинга ҳам албатта ўтади.

Менимча, табиат рассом кўзига икки ҳолатда кўринади. Бири аста кузатиб, дам олиш мумкин бўлган табиат. Иккинчиси рассом табиатига жавоб берувчи, унга илҳом берувчи ўзига хос гўзалликдан келиб чиқиб, рассомни ларзага солувчи табиат. Иккиси ҳам гўзалку-я! Лекин ларзага солувчи ҳолатларга нима етсин.

—Мароқли суҳбатингизга учун раҳмат. Янги-янги изланишларингиз билан мухлисларингизни хушнуд этишда, толмайсиз, деб ўйлаймиз.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ суҳбатлашди



«ОРЗУИМ — ЯХШИ ҚАЙНОНАНИ ЎЙНАШ»

Учрашув

Ажойиб санъаткор Клара Жалилова билан учрашувга борарканман, «қандай суҳбатлашаркинман», деган савол мени қийнарди. У кишидан ҳаётда ҳам экрандагидек шўх ва шаддодмисиз, деб сўрамоқчи эдим. Лекин суҳбат давомида бу саволга умуман ҳожат қолмади.

Клара опа болалик дамларини шундай эсладилар:

— Болалигим уруш пайтларига тўғри келган. Ўша вақтда биз Эски шаҳарда турардик. Жудаям шўх қиз бўлганим учун ўқитувчиларим мендан безор эди. Тўғрисини айтсам, яхши ўқимаганман. Умуман дарс тайёрламасдим. Ўқитувчиларим «Сендан ашулачидан бошқа нима ҳам чиқарди», дейишарди-да, чорак охирида «3» қўйиб беришарди. Дарсда 10 минутдан кўп ўтирмасдим, деразадан ошардиму қочардим.

— Шундай шўх, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган қиз қандай қилиб халқнинг севимли Кларасига айланди?

— Мен рўзғорга ёрдам бериш илинжида артелга ишга кириб, дўппи тикардим. Лекин мактабда ўқиб юрган пайтимда ҳар хил қўшиқларни ўзимча хиргойи қилиб юрганимни сезган муаллимим Анвар Алихўжаев турли тадбирларга олиб борардилар. Хуллас, бу қизиқишим жиддий истакка айланди.

Мусиқа билим юртининг вокал бўлимида ўқидим. «Қизгина», «Пахта тер-тер», «Сурайё», «Ниначи» каби қўшиқларни севиб ижро этардим. 1957 йили республика танловига лауреат бўлганимдан сўнг VI Жаҳон ёшлари ва талабалари фестивалида қатнашиб, олтин медал билан қайтганман.

— Клара опа, ўзингиз қўшиқчи бўлсангиз ҳам «Мафтунингман» мусиқали комедиясидаги ролингизни жуда қойиллатиб ижро этгансиз.

— «Мафтунингман»даги Юлдузхон роли менга атаб ёзилган. Ўша пайтда жуда озғин, кичкина бўлганим учун, филм режиссёри раҳматли Йўлдош Аъзамов Юлдузхонни ўйнашимга рози бўлмаганлар. Охири, (жойлари жаннатда бўлсин) Туроб Тўланинг гаплари билан розилик билдирдилар. Бошда анча қийналдим. Кинога тушиш осон эмаслигини ўшанда сезганман. Кейин режиссёр, ёнимдаги ҳамкасбларим кўмагида ўзимни тутиб олдим.

— «Алиф Лайло ёки маккора», «Оҳ, Истанбул, Истанбул» каби филмларда ҳинд, турк кино ижодкорлари билан ишлашингизга тўғри келган. Шу филмлардаги ролларингиз ўзингизга ёқадими?

— Шу вақтгача ўйнаган ролларимнинг барчаси менга ёқади. Чунки ҳар бирига қалб кўримни берганман. Сиз айтган икки филмдаги ролларим ҳам яхши роллар. Лекин ўша филмларнинг ўзи менга ёқмайди. Очиғини айтсам, уларнинг савияси паст, анчайин юзаки суратга олинган.

— Ҳозирги ўзбек киноси ҳақида нималар дея оласиз?

— Бундан 15—20 йиллар аввал олинган филмларни кўрсанг, яйраб кетасан. Қандай ажойиб филмлар ишлашган. Биргина «Келинлар қўзғолони»ни қанчадан-қанча давлатлар сотиб олди. Ҳозир ҳам чет элларда бу филмни севиб томоша қилишади. Тўғри, бугунга келиб «Отамдан қолган далалар», «Севги», «Ёлғиз ёдгорим» каби яхшигина филмлар юзага келди. Лекин булар ҳали жуда кам. Яхши асарлар билан бирга, савияси паст филмлар ҳам учраб турибди. Маблағни бекорга совуришдан ким наф кўради.

— Клара опа, «Мафтунингман»дан кейин кинода узоқ муддатли танаффус қилдингиз. Кинодаги сермаҳсул ижодингизга ким сабабчи бўлган?

— Асосан «Келинлар қўзғолони»дан сўнг режиссёр Мелс ака Абзалов сабабчи. Тўғриси, «Келинлар қўзғолони»да айрим саҳналарни яхши ўйнолмаганман. Мелс ака ҳар бир ҳаракатимни эринмай тушунтирардилар, маслаҳат берардилар. Фурсатдан фойдаланиб, у кишига ўзимнинг раҳматларимни айтмоқчиман. «Наштар»да ҳам кўп роллар ўйнаганман.

— Ҳаётингизда кулгили воқеалар кўп бўлгандир?

— Албатта. Нимасини айтасиз, Клара опангиз қаерга борса, саргузашт орттириб юради-да.

1955 йили оркестр билан поездда Кавказга гастролга бораётгандик. Шўх ва кичкина бўлганим учун менга «эчки» деб лақаб қўйишган, «бакавой»нинг тепасидан жой теккан. Югуриб, сакраб чарчаганимдан кейин жойимга чиқмоқчи бўлдим-да, бир темирни ушлаб энди кўтарилаётгандим, бирдан шовқин-сурон бўлиб кетди. Поезд тўхтади. Проводник аёл келиб, «Клара шу ишниям сен қилгандирсан», деди-да, мен ушлаб тепага чиқмоқчи бўлган темирни боғлаб ташлади. Кейин билсам, «стоп кран»ни босиб, бутун бошли поездни тўхтатиб қўйган эканман. Сабабсиз поездни тўхтатганга 500 сўм жарима солинаркан, мен ўша пайтда 400 сўм ойлик олардим. Йўқ, проводник аёл жонимга оро қириб, мени «сотмади» ва жарима тўлашдан қутулдим.

— Клара опа, орзуингиздаги ролни ижро этдим, деб ўйлайсизми?

— Ҳозирча йўқ. Яқинда бир филмда жоҳил қайнона ролини ўйнадим. Лекин аслида меҳрибон, ажойиб қайнона ролини ўйнашни орзу қиламан. Мақтанишга йўйманг-у, ҳаётда ҳам меҳрибон ва яхши қайнонаман. Нима қилайки, филмда салбий ролларни жуда яхши ўйнайман.

— Агар олдингиздан Хизр бува чиқиб қолсалар, улардан нима сўрардингиз?

— Энг аввало эл-юрт тинчлигини сўрардим. Юрт тинчлигидан улуғ неъмат йўқ. Яна барча мўмин-мусулмонларнинг бахтини, хотиржамлигини сўрардим. Шу қаторда болаларимнинг соғлиғини, ўзимга уларнинг роҳатини кўриш насиб этишини сўрардим.

— Газета муштарийларига тилагингиз.

— Ҳаммалари соғ бўлишсин. Рўзғорлари бут бўлиб, фарзандларининг роҳатини кўришсин. Газета ходимларига эса кучқувват тилайман. Ҳеч қачон эл назаридан қолишмасин.

Гулчирой ИСМАТОВА суҳбатлашди

Анъанавий кўргазма

Санъатни яхлит ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо уни афсонавий Семурғ қушига қиёслаш мумкин.

Нурдан яралган Семурғнинг руҳларни ҳаяжонга соладиган гўзал қанотлари мусиқа; кўзлардан яширин, аммо дengизнинг остидаги тўлқинни-да ҳис этадиган юраги — шеърият; парвоздан тин олиб, чўққиларга қўнганида, чўққиларни ҳам эритувчи нафис оёқлари санъатнинг мураккаб тури бўлган ҳайкалтарошликни эсга солади. Унинг тенгсиз гўзал кўзлари эса тасвирий санъатдир. Ана шу Семурғ кўзларига ошиқ бўлиб қолган 10—15 ёшли ўқувчилар ижоди кишини, ҳаяжонга солади. Ёш мусаввирларнинг «Менинг бувим ва бобом», «Қариялар менинг шаҳримда» ва эркин мавзуларда чизган суратларида мўйқаламга бўлган муҳаббатлари акс этган. Улар ўз асарлари билан Ўзбекистон Республикаси ёш рангтасвирчиларининг «Лидице—99» (Чехия Республикаси билан бирга) 27-анъанавий ёш ижодкорлар кўргазмасида қатнашаётганларидан мамнун.

26 феврал куни Ўзбекистон Бадиий академияси Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли рассомлардан Рўзи Чориев, Малик Набиев, Азиза Маматова ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси Ахборот ва Маркетинг бошқармаси бошлиғи Шарофат Қамбарова ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Анжуманни лицей директори Сомий Содиқов очди. Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ўқувчилар ҳузурида санъат ва ижодий меҳнат ҳақида сўзлади.

Анъанавий кўргазмада энг яхши деб топилган асарлар Чехия давлатига жўнатилади. Ёш истеъдодли мусаввирлар махсус медал ва дипломлар билан тақдирланади.

Н.НАРЗУЛЛАЕВ

«ЛАЗГИ» ҚИРОЛИЧАСИ

«Лазги» — миллий рақсларимизнинг гултожи, Хоразм халқининг қадимий дурдонаси, мумтоз санъат асари. Унга «тошни ҳам эритадиган ўйин», деб бежиз таъриф берилмаган. Лекин «Лазги»га ҳар қандай санъаткор ҳам тушавермайди, тўғрироғи, туша олмайди. Уни рисоладагидек ижро қилиш учун санъаткордан катта маҳорат ва тажриба, таъбир жоиз бўлса, илоҳий куч талаб этилади.

«Ўзбекнаво» гастрол—концерт бирлашмаси М.Қориёқубов номидаги бадиий жамоалар раққосаси Нигора Жуманиёзова ана шу эл севган классик ўйинни маромига етказиб ижро этиб келаётган санъаткорлардан бири. Бунга тўла ишонч ҳосил қилиш учун у иштирок этадиган концертга бир бора тушишнинг ўзи кифоя.

Бир тасаввур қилинг-а: сиз концерт залидасиз. Бошловчи «Хоразм лазги»сини эълон қилади. Олов янглиғ нафис либосда, кўзлари чаросдек чақнаб, майда қадамлар, майин табассум, ибою ишва билан Нигорахон саҳнага чиқиб келади. Унинг ўзига ярашиқли хушбичим гавдаси ҳаракатга келиб, қўллари ҳимарилиб, ўйин бошланади. Билаклар дарё тўлқинларидек чайқалади. У бутун вужуди билан ўйнайди. Сиз ҳам бутун вужудингиз «кўз» бўлиб, «қулоқ» бўлиб тинглайсиз; томоша қиласиз. Машраб ғазалида таърифланганидек, «у, юз олтмиш томирга, тўрт юз қирқ тўрт суякка ишқинг андоқ сингибдур, ажратиб олса бўлмас».

Эътиборли томони яна шундаки, Нигора хиром этаётганида зал билан саҳна орасидаги масофа қисқаргандай бўлади гўё. Ички туғён, дард, илтижо, ҳиссиёт шундоққина уфуриб туради. Унинг сермазмун ҳаракатлари чеҳрасидаги ўзгаришларга ўйғун кечиши, нигоҳидаги теран маъюслик — бари—бариси томошабинни ҳайратга, ҳаяжонга солади. Саноқли лаҳзаларда кишилар қалбини нафосатга ошно қилади, эзгу туйғулар уйғотади. Ва ниҳоят қушиқ поёнига етади. Рақс тугайди. Санъат шинавандалари билан лиқ тўла залда эса гулдурос қарсаклар, олқишлар янграйди...

— «Лазги» мен учун бутун бир дунё, — дейди Нигора Жуманиёзова.—Бордию, концертда «Лазги»га тушмасам, ўйнагандай бўлмайман, кунглим тўлмайди.

Энди шундай савол туғилиши табиий: Нигорани маълуму машҳур қилаётган биргина «Лазги»ми? Йўқ, албатта! Унинг рақс чаманидан дасталаган ва дасталаётган гуллари чунонам ранг-барангки, ҳар бирининг ҳиди, нафислиги, жозибаси бўлакча.

У кўп қиррали, иқтидорли ижодкор. Худо берган истеъдод соҳибаси. Тўғри, Нигоранинг рақс бисотида Хоразм йўлида айтиладиган қўшиқларга тушадиган ўйинлари нисбатан кўпроқ. Лекин у фарғонача, самарқандча, бухороча, тошкентча йўналишлардаги куй-қўшиқларга ҳам қойилмақом ўйинга тушади. Испанча, италянча рақсларни ижро этишини кўрсангиз, унинг санъатига тан бермасдан иложингиз йўқ.

Нигора рақсларга замон нафасини, давр руҳини сингдиради. Унда ўзига хос услуб бўлиб, мусиқани чуқур ҳис этиш қобилияти кучли. Ҳар бир рақсни образли талқин қилади. Шу боис уни миллий рақс санъатимизнинг юлдузларидан бири, деб баралла айта оламиз.

Эътибор берган бўлсангиз, Нигорахоннинг таржимаи ҳолидан гап очмадик. У фалон йилда туғилган, фалон жойда таълим олган, демадик. Атайлаб айтмадик. Чунки бунга ҳожат ҳам йўқдай, назаримизда. Лекин унинг рақс учун, санъат учун, кишиларга қувонч улашиш учун туғилгани аниқ.

... Ана, саҳнада яна Нигорахоним Жуманиёзова. Энди унинг ҳукмига бутунлай бўйсуниб, мўъжиза кутинг...

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

ҲАР ДАВРНИНГ ЎЗ СОЗИ БОР

Тулоқоб

Суҳбатдошимиз истеъдодли созанда, миллий соз чалиш бўйича кўплаб кўрик-танловлар ғолиби Асадулла ЁДГОРОВ.

— Асадулла ака, бугунги кунда миллий созларга эҳтиёж қай даражада, деб ўйлайсиз?

— Ҳар бир даврнинг ўзига хос сози бўлиб келган. Масалан, бизнинг давримизда рубоб жуда машҳур бўлиб, оммалашиб кетганди. Жуда кўпчилик болалар мусиқа тўгарагининг рубоб ўргатувчи бўлимида қатнашардилар. Ҳозир мен тенгиларнинг кўпи рубобда, ҳеч бўлмаса, «Андижон полкаси»ни чалиб бера олади. Бугунги кунда ғижжак ва найга, яъни булардан чиққан нолаларга эҳтиёж жудаям кучли. Мисол учун най ва ғижжакда ижро этилган «Чўли ироқ» куйини ким тингламайди дейсиз. Умуман олганда мусиқа ривожи ташқи муҳитга ҳам боғлиқ. Инсонларнинг яшаш тарзи ва яна бошқа сабаблар билан ҳам маълум даражада алоқадор.

— Ҳозир созанда ёшларнинг кўпчилиги электрон мусиқа асбоблари чалишга қизиқишади. Бу ҳол миллий созларимиз мавқеига путур етказмайдими?

— Албатта, электрон мусиқа асбоблари миллий созлар мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозир кўпчилик енгил-елпи иш қилишга ўрганиб қолган. Шунинг учун ҳам миллий созларга эътибор сусаймоқда. Чунки бу созларни чалиш анчагина мураккаб. Унда ижро этилаётган куйларни инсонлар қалбига етказиб бериш ундан ҳам қийин. Электрон мусиқа асбобларини эса 1—2 ойда бемалол ўрганиб олса бўлади. Шунинг учун ҳам ёш созандаларимиз ўзларини электрон созларга урмоқдалар.

Энди масаланинг иккинчи томонини кўриб ўтайлик. Давр замонавийликни талаб этмоқда. Электрон созларнинг оммалашувига яна бир сабаб ҳам мана шу. Созларимиздаги оҳанг товланишлари, нолалар электрон мусиқа асбобларига кўчмоқда. Яъни электрон соз — синтезаторларда ўзбек миллий чолғу созларининг овозлари кашф этилмоқда. Мисол учун Дониёр Исломов синтезаторда қўш найнинг овозини яратди. Улуғбек Отажонов эса танбур, сурнай, қайроқларнинг овозини электрон созларда яратишга муваффақ бўлди. Бундай замонавий кашфиётларни халқ яхши қабул қилмоқда. Лекин, барибир, миллий созларнинг жаранги ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

— Сизнингча, бугунги кунда ёшлар эътиборини миллий созларга қаратиш, умуман, миллий мусиқамизга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Худди мана шу масалалар ўрта мактабда оддий мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлашимга сабаб бўлган. Жуда кўп жойларда дарс берганман. Консерваторияда ўқитувчилик қилдим, дирижёрликда ҳам ўзимни синаб кўрдим. Лекин ҳамонки ўқитувчи — ўргатувчи экан, созандалик сирларини, миллий созларимизнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатишим керак, деган хулосага келдим. Ҳозир 25-ўрта мактабда мусиқа ўқитувчисиман.

Энди бевосита ишга тўхталадиган бўлсак, аввало, ҳар бир санъат фидойиси истеъдодларни қидириб топиб, уларнинг ўзлигини намоён қилишига ёрдам бериши керак. Қолаверса, боғча ва бошланғич синфларда бу соҳага алоҳида соатлар ажратилиши лозим. Яъни мусиқа тарбиясини жуда эрта бошлаш ҳар томонлама фойдали. Биз ўзимизнинг мактабимизда мусиқа таълимини яхши йўлга қўйганмиз. Лекин айрим чекка қишлоқ мактабларида мусиқа хоналари йўқ, бори ҳам талабга жавоб бермайди.

Кези келганда, бугунги кунда олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчиман. Мактабда иккита гуруҳ ташкил этдик. «Хонобод» ҳамда миллий созандалар гуруҳлари.

«Хонобод» гуруҳи билан кўпгина кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритдик. Миллий созандалар гуруҳига «Хонобод» маҳалласининг санъатсевар фарзандларини тўпладик. Ушбу гуруҳимиз яқинда ташкил топди. Болаларни ўқитишда ўзим тайёрлаган дастур асосида иш олиб бораман. Яқин орада уни китобча шаклида босмадан чиқариш ниятим бор. Чунки бу дастурим мусиқа ўқитувчилари йиғилишида маъқулланди. Умуман, режаларим кўп. Лекин энг асосий мақсадим миллий созандалар гуруҳимизни республиқага танитиш ва янги-янги истеъдодларни кашф этишдир.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ суҳбатлашди

Суваракдар сардори

Тўқсонтўққиз ёшга чиқди
Суваракдар сардори,
Чеваралар олқишлашиб
Қилар бардор-бардори.
Уни тавоп қилмоқ учун
Уруғ-чуқуқ келишган,
Хизмат қилар эваралар,
Зир чопишган-елишган.
Гажжак мўйлов, бари чапдаст,
Уст-бош қўнғир-чипори.
Сардорлари ўрин олгач
Чорпоядан юқори —
Зурёдларин қуршовида
Кўрганларин айтади,
Маконлари қаерларда
Бўлганлигин айтади.
Сўзлар ҳатто шажарасин,
Аждодларин кимлигин,
Шу маҳалда бир зумраша
Бузиб давра жимлигин,
— Бобо бизлар қайси юртдан
Келганмиз? — деб қизиқар.
— Бу саволинг ўринли, — дер,
Ўтирганлар жим уқар.
— Эллигинчи йиллар эди,
Кўп олисда турардик.
Ҳоли-кудрат кун кечириб,
Картошка еб юрардик.
Уй эгаси, сиз билмайсиз —
Кўп жаҳлдор амаки.
Битта китоб топиб келди,
Берган экан аллаким...
Роса уч кун давом этди
Китобхонлик касали,
Александр Неверовнинг,
Сизга таниш асари.
Яъни «Тошкент—нон шаҳри» деб
Даъват учун аталган,
Шунинг учун кўпнинг кўзи
Тошкент томон қадалган.
Момонг билан ўша пайтни
Эслаб ўйга толамиз,
Бирдан йўлга шайланишди
Амакимиз, холамиз.
Дудлаб чўчқа гўштларини,
Халталарга жойлашиб,
Сўнг, поездга патта олиб,
Якшанбани пойлашиб,
Кузатишди кўни-кўшни,
Тўр халтада самогон.
Бизлар учун паноҳ бўлди,
Лаш-луш солган жомадон.
Поезд деган сандиқ уйлар
Анча талотўп экан,
«Нон шаҳрини» кўзлаб чиққан
Йўловчилар кўп экан.
Деразанинг тирқишидан,
Чор тарафга қараймиз,
Тер ҳидидан бижиб кетган
Бошмоқларни санаймиз.
Шундай қилиб, тўрт суткада
Етиб келдик Тошкентга,
Ҳар жиҳатдан қиёси йўқ,
Тўкин шаҳар бош кентга.
Бу диёрда мева-чева
Сероб экан, мўл экан,
Одамлари ишчан, абжир,
Сахий, очиққўл экан.
Европада бизнинг қавмни,
Атайдилар таракан,
Осиёда суварак дер,

Турсунбой АДАШБОЕВ

Каминадан тараган.
Энг қадимий ҳашоратмиз,
Билмоқ бўлсанг, асли биз.
Тершитларга қариндошмиз,
Етти пушту-наслимиз.
Ризқимизни териб еймиз,
Гоҳо баланд,пастдамиз.
Жой-пой танлаб ўтирмаймиз,
Доим жаҳонгаштамиз.
Дунё бўйлаб эмин-эркин,
Чопқиллаймиз-кезамиз,
Қай гўшада яшамайлик,
Ўзни эркин сезамиз.
«Суваракни қиринглар» деб,
Талай ҳукм ўқилган.
Кўплаб олим дори излаб,
Сочи тушган, тўкилган.
Шундай қилиб аждодимиз,
Ўз зурёдин таратган.
— Олимлар биз ҳақимизда,
Қандай китоб яратган?
— Шоир, рассом жонзотларнинг,
Энг яқин, биродари.
Маршак, Корней, Чуковский,
Яна Жанни Родари.
Корней ота достонлари,
Ўзига хос мухтасар.
Султон Жаббор деганлари
Бағишлаб ёзган асар.
Барчасидан мусаввирлар,
Кўнгли бўшроқ — ошнадир.
Уруғимиз, аймоғимиз,
Ширинликка ташнадир.
Рассомнинг мой бўёғига,
Тоза асал қўшарлар.
Шу сабабдан суваракдар
Шўхлик қилиб, жўшарлар.
Туни билан эскизларнинг,
Рангларини кемириб.
Давру-даврон сураяпсиз,
Мўйлов бураб, семириб.
Таниш Себзор даҳасидан
Бироз ўтгач, қуйида
Машҳур рассом Ғуломовнинг
Устахона уйида.
Ёки Рустам Зуфаровнинг
Хилват ишчи дўкони.
Ранг-бўёқни хуш кўрганнинг,
Ўзига хос макони.
Ана, тўрда ўтиришган,
Меҳмонларга бир қаранг
Карнавалга келгандайин
Камзул, кўйлак турфаранг.
Қандолатлар тўлиб-тошса,
Ризқимиз бутун бўлса.
Душманимиз нур ва офтоб,
Бизга фақат тун бўлса.
Сизга айтсам буёғини,
Ургидик — тараб кетдик.
Бир томони Термиз, Хива,
Қаршига қараб кетдик.
Тинч,хотиржам яшаяпмиз,
Доруломон замонда
Қариндошлар минг, миллион,
Ўш, Андижон томонда.
Нафс кўйига кираверманг,
Сабр қилинг, шошилманг.
Чумолилар еб кўрмаган,
Нарсаларга осилманг.
Қорин тўйгач, пештахтада,
Туравермaнг сўппайиб,
Бизга қарши дори-дармон,
Бораётир кўпайиб.
Ҳа, қаерда яшамайлик,
Омон бўлсин, бошинглар.
«Дихлафос»ни кўрган заҳот,
Жуфтак уриб қочинглар.
«Хитойларнинг қалами»дан,
Юрган маъқул сал узоқ.
Бизни қириш илинжида
Қўярлар ҳар хил тузоқ.
Синовлардан ўтаётир,
Янги оғу — «Пих-пах» ҳам.
Шарт-шароит, вазиятга,
Бўлинглар мосланувчан.
Ошхонадан ташқарида,
Бўлмасин ҳеч ишингиз.
Термитларга тақлид қилманг,
Синиб қолар тишингиз.
Бошларингиз тошдан бўлсин,
Пешонангдан ўпайин.
Озиқ-овқат мўл жойларда
Ўзингиздан кўпайинг...

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Асли-ку, обунани вақтида расмийлаштирган яхши-я. Аммо бирор бир сабаб билан бу ишни ҳамон пайсалга солиб келаётган бўлсангиз — ҳали ҳам имконият бор. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна давом этмоқда. Сиз хоҳлаган ойингиздан бошлаб ўзингизга яқин алоқа бўлимида газетамизга бемалол ёзилишингиз мумкин. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида расмийлаштирилган обуна янги ой бошидан эътиборан газетамизни бемалол олиб ўқиш имконини беради.

Эзгуликнинг кечи йўқ!

Чўзиқ нимада

ЯНГИЧА АЙТИШУВ

Кўчада анчадан бери кўришмаган икки дўст — Жўравой билан Тўравой учрашиб қоладилар...

Тўравой. — Бормисан оғайни, анчадан бери кўринмайсан-а. Олтиариқнинг бодрингидай, бу йил роса қадринг ўтди-да.

Жўравой. — Бодрингга ўхшатмай қўяқол. Ўзинг қаёқларда юрибсан, излаганда топилмайсан, керагинг бўлмаганида Олой бозоридаги лимонфурушдай оёқостидан чиқаверасан.

Тўравой. — Э, ҳали биз лимонфуруш бўлиб қолдикми? Гапларингда «Бешёғоч» пивосидай таъм деган нарса қолмабди. Ғирт сув-а.

Жўравой. — Гап деганни мундоқ ўйлаб гапирадилар. «Эколот» лотереясининг рекламасидай ёқимсиз пичинглорингдан нима фойда? Бўладиганини гапирмайсанми?

Тўравой. — Бўладиганини гапирсам, ўтган йили бир-икки илтимос қилдим, бажармадинг. Отчопарда адашган тижоратчидай қолавердим.

Жўравой. — Эсимда. Ўғлимга уй соляпман, йигирма-ўттизта тўсинга қарашвор дединг. Тўсин деганлари «Оптовый» бозордаги муддати ўтган сосиска эмаски, саржин-саржин қилиб уйингга элтиб берсам...

Тўравой. — Тўсинни қўятур. Ундан олдин чойхонада валақлашиб ўтирганимизда ўзингдан-ўзинг «Иккала сигирим туғди. Сут-қатиққа ёлчиб қолдик», дединг. Қизимни чиқарсам, бир хўплам сут бермабсан-а. Шу ҳам ошначилик бўлдими? Сендан ўзи сут тугул сув ҳам сўраб бўлмас экан...

Жўравой. — Э, оғайни, ҳаётни билмаганинг шу-да. Ана қара, бозорда бир ярим литр сут 100 сўм. Бир ярим литр «Банақуа» 160 сўм. Ўзи сув билан сутнинг фарқига бормай қолибсан.

Тўравой. — Гапларинг Кўқоннинг кир совунидай бирам сассиқки...

Жўравой. — Ўзингникичи, туман босмахонасида босилган брошурадай пала-партиш...

Тўравой. — Э, кетдим-е, офтобда сен билан ади-бади айтишавериб, Деҳқонободнинг тандиркабобидай жизғанак бўлиб кетдим.

Жўравой. — Мен ҳам кетдим. Эски шаҳарнинг нишолдасидай бир чўзилдингки...

Иккаласи яна қўл олишиб икки томонга айрилиб кетадилар.

Қўшничилик

Ҳажвия

Ниҳоят, уй беришди. Тўқкизинчи қаватдан. Лифт ҳали ишламас экан, нарсаларни жиянпиянларни ишга солиб таший бошладик. Аммо бешинчи қават билан олтинчи қаватнинг ўртасига келганда ишкал чиқди. Саккизинчи қаватдагилар бошқа уйга кўчиб ўтишаётган экан, каттакон шифоньерлари бувамизга буваларидан қолган дода сандиқ билан дуч келиб қолди. Узоқ давом этмаган музокарадан сўнг, биз сандиқни олтинчи қаватда яшайдиган бир олимнинг йўлагига киритиб, шифоньерни ўтказиб юбордик. Хайрият, яхши одамлар ҳам бор-да, дунёда, деб турган эдим, тўртинчи қаватда ғала-ғовур бошланиб қолди. Тўқкизинчи қаватга бизга қўшни бўлиб келаётган консерватория ўқитувчиси «Лирика» пианиносини тўртта сиртқи бўлим талабаси, иккита мардикор билан аранг олиб чиқишаётган экан. Шифоньер бешинчи қаватда, пианино тўртинчида, йўл беришнинг сира иложи йўқ. Битта эшикни тақиллатиб, «Қўшни беш минутга шифоньеримизни киритиб турайлик», дейишганди, уй эгаси «Нима, менинг уйим сенларга «хранение»ми, кеча биттаси беш минутга деб «Стенка»сининг ярмини киритиб қўйганча дараги йўқ, хотин ошхонада, мен буёкда, «сотовый»да гаплашиб ётибмиз», дея ўдағайлаб берди. Бошқа эшикни тақиллатишганди, бир ит шунақа вангилладики, сичқоннинг ини минг тилло бўлиб кетди.

Бу орада маслаҳатчи кўпайди-ёв. Биттаси «Шифоньерни саккизинчи қаватга олиб чиқиш керак» деса, бошқаси «Яхшиси кран чақирган маъқул» дейди.

Пешиндан кейин еттинчи қаватдан уй олган ёшгина йигит келиб қолдию мушкулимиз анча осонлашди. Барака топгур, анча инсофли экан, «майли, шифоньерни бизникига киритиб турингглар, пианино ўтиб олсин» деб ҳаммамизни хурсанд қилиб юборди. Инқиллаб-синқиллаб аранг киритдик. Улар ҳам янги кўчиб келишган экан, жой тор, шошилинчда шифоньер қурмагурнинг бир қирраси тегиб кетиб, бурчакда омонат турган тошойна чил-чил бўлди. Йигит шаҳд билан бориб эшикни қулфлади.

— «Трюмо» расво бўлди. Тўйда хотинимнинг ўгай отаси совға қилганди, — деди у тантанавор оҳангда. Қуршовда қолганимизни шундагина тушундик.

Шифоньернинг эгаси тилхат ёзиб берди, ҳашарга келган жиянини гаровга қўйиб, бизни озод қилди. Бир-биримиз билан энди-энди танишаётган қўшнилар енгил тортиб ташқарига чиқдик. Қарасак, пианино жойида йўқ. Учинчи қаватдаги бир қўшни бир ҳафта чалиб туриш шарти билан уйига олиб кириб кетибди.

Пастга энди тушган ҳам эдикки, катта «КамАЗ» машинасида янги қўшнилар келиб қолишди. Қўшничилик, қараб туриб бўлмас экан. Баҳайбат ёғоч каравотни аранг елкага олиб энди тўртинчи қаватга кўтарилгандик, юқоридан буйруқ оҳангида овоз келди:

— Пўшт, йўлни банд қилманглар, «Стенка»ни олиб тушяпмиз...

Шум бола

«Кел гулимни ол, ол гулимни ол!»

ДЕҲЛАВИЙНИ РОМ ЭТГАН ОҲАНГ

Одамзод ҳамиша бирор мўъжизага сажда қилишга интилган. Шу ниятда мўъжизавий маъбудларни дуо қилган. Натижада, ҳар бир халқнинг маданияти, яшаш имкониятларига боғлиқ ҳолда турли расм-русумлар пайдо бўлган.

Ҳиндистон шундай бир мамлакатки, унда дунёдаги кўплаб халқларнинг ибодат қилиш турлари, расм-русумлари мавжуд. Шулардан бири ўрта асрларда ривож топган тасаввуфдир. Ҳиндулар уни «бхакти» деб аташади. У ҳинд маданиятини чексиз бойитган. Ҳинд ерида тасаввуфнинг чиштия, қодирия, суҳравардия, нақшбандия каби йўналишлари мавжуд. Муршид (устод) рутбасини олган пирларни халқ доимо ҳурмат билан тилга олиб келган. Шу пирларнинг мақбаралари ва хонақоҳларига нафақат мусулмонлар, балки ҳинду ва сиқхлар ҳам дуо ўқиш учун келишади.

Патна шаҳрининг Худо Бахш кутубхонасида ўқиб юрган йилларимда, ҳинд маданиятини янада чуқурроқ тушуниш мақсадида ана шундай бир неча мақбараларни зиёрат қилишга борган эдим. Шом номозига бир соатларча қолганда Деҳли шаҳридаги Низомуддин Авлиё мақбарасига яқинлашдик. Ҳиндистоннинг тасаввуф тарихида XIII асрда яшаб ўтган Низомуддин Авлиё Чиштий энг йирик ва нуроний суфилардан бири бўлган. У тасаввуфнинг Чиштия силсиласига мансуб эди. Чиштия силсиласи Ҳиндистонда тарқалган энг машҳур ва кучли сулуклардан бири бўлган Ҳинд заминида ислом динини ёйиб, мусулмончиликни барпо этишда чиштия шайхларининг таъсири катта эди. Ривоятга кўра чиштия силсиласи Али бин Абу Толибга бориб тақалади. Хўжа Абу Исҳоқ аш-Шоми Ироқдан Ҳирот яқинидаги Чишти қишлоғига келиб қолади ва шу ерда бир суфиёна хонақоҳнинг асосчиси бўлади. Шу хонақоҳнинг тўқкизинчи шайхи Муинуддин Ҳасан Сижзи Чиштий диний таълимни Бухоро ва Самарқандда олган, Нишопурда эса тасаввуфни ўрганган, кейинчалик Ироқда яшаган ва 1193 йили Ҳиндистонга келиб, силсилани ҳинд заминида тарқатган. Муинуддиннинг хонақоҳи Ажмер шаҳри (Ражастхон штати)да жойлашган бўлса-да, бутун Ҳиндистонга танилган. Даставвал чиштия силсиласига аъзо бўлиш учун ислом динини қабул қилиш шарт эмаслиги сабабли ҳам бу тариқатга кўпгина ҳиндулар кирганлар. Чиштиянинг кенг миқёсга тарқалган ёрқин даври Низомуддин Авлиё номи билан боғликдир. Бу муҳтарам зот ҳаётдан ўтганларидан кейин, чиштия силсиласи анча сусайишига қарамасдан ҳозирга ча кенг тарқалган йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Низомуддин Авлиёнинг севимли муриди Амир Хусрав Деҳлавий саккиз ёшидан бошлаб ундан таълим олган. Амир Хусрав Деҳлавийнинг комил инсон, шоир, бастакор ва тилшунос бўлиб етишувида муршидининг роли каттадир. Шунинг учун бўлса керак, Низомуддин Авлиё мақбараси олдида қурилган иккинчи мақбара — Амир Хусрав Деҳлавийникидир.

Пирлар мақбарасига борадиган кўчага киришингиз биланоқ икки томондан жойлашган кичкина-кичкина дўкончалар кўзга ташланади. Ҳиндистонда пирларнинг мозорлари устига «чодир» (калималар кашталанган бир неча метрли мато) ёпиш, атир гул япроқларини сепиш, хушбўй гуллардан гулчамбар қўйиш, ёқимли ҳид таратадиган агарбатти ёқиш одати бор. Сотувчилар пирнинг зиёратига келган йўловчиларни зарур нарсалар, дуоларда ишлатиладиган жажжи оқ ширинликлар, тасбеҳу атирлар, исломга таллуқли китоблару кассеталарни сотиб олишга чорлайдилар. Мақбаранинг катта дарвозасига тақалган шу дўкончаларнинг бирида оёқ кийимларимизни ечиб, ичкарига яланг оёқ йўл босамиз.

Суфий пир мозори олдига фақат эркаклар яқинлашиши мумкин. Улар ичкарида дуо ўқишар, сажда қилишар, гул япроқларини сепишар ёки чодир ёпишар, хотинлар эса мармар хонанинг дарвозаси олдида дуо ўқишиб, кейин эса дарвозанинг ўнг ё чап томонига ўтиб Довуди шариф калимасини ёки шу ерда мавжуд «Қуръон» сураларидан бирини ўқиб ниятларини изҳор этадилар.

Мақбаранинг дарвозаси рўпарасида бир гуруҳ ашулачилар фисгармон жўрлигида «қаввали» айтиб ўтиришганини кўриш мумкин. Қаввали сўзи «қавл» дан келиб чиққан бўлиб, пирларнинг, аниқроғи «суфий пирларнинг айтганлари» маъносини билдиради. Ушбу мусиқа тури XIII асрларда шаклланган. Ўтмиш қўшиқчиларнинг бир гуруҳи аслида Ажмер шаҳрининг Хўжа Моинуддин Чиштий Ғариб Навоз ҳазратларининг фидоийлари бўлиб «Қаввал Бачче» номи билан машҳур эдилар. Улар ҳинд мусиқасида мавжуд жанрлар воситасида тасаввуф ғояларини таратган ва ҳамду санолар изҳор этишган. Шундай амалиёт таъсирида қаввали услуби пайдо бўлган.

Қаввалининг ривожланишида Амир Хусрав Деҳлавийнинг ўрни каттадир. Одатда қаввалилар хонақоҳларда самоъ кечаларида ижро этиларди ва ҳозир ҳам ижро этилиб келинмоқда. Олдинлар самоъ кечаларида руҳоний рақсга фақатгина тарки дунё этган кўнгли тоза суфиларгина тушиши мумкин эди. Ривоят борки, Низомуддин Авлиё рақсга тушмоқчи бўлган Амир Хусрав Деҳлавийни тўхтатган ва ўрнига ўтқазиб, тарки дунё этиб юксак поғонага кўтарилмагани учун ҳам самоъ рақсига ҳақи йўқ эканлигини эслатган.

Асрлар ўтди... Йигирманчи асрда қаввали ривожида янги йўналиш бошланди. Қаввали жанри киномусиқада ғазал билан биргаликда етакчи ўрин эгаллади. Натижада ижро этилиш услуби эски анъанавий турда бўлса-да, руҳоний шеърлар ўрнини дунёвий ишқ тасвири эгаллади. Ҳинд киномусиқасида қаввали айтимлари вақтичоғликларга мўлжалланган ўзгача кунгилочар оммабоп жанрга айланиб қолди. Албатта, аста-секин қаввалининг шакли ҳам ўзгара борди. У замонавий эстрада талабларига жавоб берадиган бир айтим тусини ҳам олди.

Аммо Ҳиндистон маданиятини афзал хусусиятларидан бири шундаки, у замонавийликни қабул қилса-да ўзининг анъанасини йўқотмайди. Кўпмиллатли ва кўпсонли аҳоли маданиятининг ҳар қиррасини ўз йўналишида ривожлантириб, доимо уларга хос ҳаётий жилони мавжлантириб туради. «Замонавий» қаввали кинолавҳаларда дунёвий ишқни куйласа-да, «анъанавий» қаввали хонақоҳларда ҲАҚ ишқидан гапиради. Хонақоҳларда, Ажмери шариф пири ва Низомуддин Авлиё мақбараларида, урс (яъни бирор пирнинг туғилган кунлари ёки вафот топган дамларига бағишланган йиғилишлар)да қаввалихонлик кечалари ўтказилади. Унга юзлаб қаввалихонлар йиғилишади. Бу кечалар катта тантана билан ўтказилади. Ҳозирги суфилар ҳақ ишқида самоъ рақсига тушишади...

Мағриб намози яқинлаша бошлаган эдики, мақбара устидаги гумбазда ранг-баранг чироқчалар ёқилди. Агарбаттиларнинг хушбўй ҳидлари, ният билан келган муҳтож одамлар, зиёратчиларнинг дуолари, қаввали оҳанглари пирнинг ясатилган мозорига қандайдир ўзига хос файз бағишлар эди. Муршид ва бир неча метр нарида унинг муриди, мақбаралар ёнига келган бандаларга нур ато қилиб туришарди, қаввали оҳанглари эса уларнинг сўзларини кўнгил ва онгга етказиб, руҳни тасаввуф денгизига етаклар эди...

Дилором КАРОМАТ,
Санъатшунослик институти илмий ходими

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Ҳалима Худойбердиевага онаси
Қаршигул ая ХУДОЙБЕРДИЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Муҳаммадали Қўшмоқовга акаси
Раҳматали Қўшмоқбой ўғли ШЕРИҚУЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги вазирликнинг истиқболни белгилаш услубият ва ахборот Республика маркази директори Ботир Матёқубовга волидаи муҳтарамаси
Ражаббиби ҚУРБОННИЁЗ қизи
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ИКРОР

Жамол СИРОЖИДДИН

Кўнка ичра бир маржа тиззамга тизза қилди,
Икки юзим бақала, дилимни жизза қилди.

Вой-эй, вой-эй жонидан, воҳ-эй, воҳ-эй, сонидан,
Деғон эдим, ул маржа лисондин мазза қилди.

«Э, бор-э!» — деб оёқни аста узатғон эрдим,
Кўп бепарҳез калом-ла фақирни изза қилди.

Овсар бўлдим, кар бўлдим, ўзни уйқуга урдим,
У вайсади тинмасдан, фақир хамёза қилди.

Тил билсангу тушунсанг, бу модиён не дейди,
Боди ила шодиға оғзин дарбоза қилди.

«Ўчир!» дея бақирсам, алпанг-талпанг бир найнов
Етиб келиб бошимға, салламға кирза қилди.

Ўздан кетибман шу он, бир чоғ кўзимни очсам,
Раҳми келиб «сув ол-ич» деганча ғамза қилди.

«Юзингни ел олсин!» деб Хумий тушди шу асно,
Бир бепарҳез бу сирни элга овоза қилди.

ФИДО ЎЛСУН, ФИДО ЎЛСУН

Жисмим мунда аёғинга фидо ўлсун, фидо ўлсун,
Жоним маҳшарда чоғингда фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Кўллар олма, анорингга, кўзлар жумлаи борингга,
Лаблар икки дудоғингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Гўшлар ғарчли кавушингга, қўнғироқча тавушингга,
Сиполик қизил, оқингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Димоқлар мушкли зулфингга, калит тил дилда қулфингга,
Ақлим икки ёноғингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Будун сен мани кутганим, бу дунда топган-тутганим,
Қадду-басту, тамоғингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Қабоғим — шул қабоғингга, қароғим кул — қароғингга,
Сақоғим — гул сақоғингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Олий ижод эрур инсон, инсонлар ичра сен жонон,
Кал бош олтун тароғингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

Хумий сори кел, эй, ёрим, ичимдаги сир-асрорим
Дур ўлгунча камоғингга фидо ўлсун, фидо ўлсун.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI
1999 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Назм-наср бўлими: 136-55-78
Ижтимоий бўлим: 136-55-78

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Сирожиддин САЙЙИД

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Босишга топширилди 20.30.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН